



1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

...Биз ёруғ келажакимизни қуриш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришишга қаратилган дастурларни амалга оширар эканмиз, юртимизда аёл зоти учун ман қилинган, улар қатнашмайётган бирон-бир тармоқ ёки соҳа бўлмаслиги даркор. Аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бу йўлдаги барча сунъий гав ва тўсиқларни, хотин-қизларга меҳсимай қараш каби ўтмишдан қолган салбий одатларга бутунлай барҳам беришга буғунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб қарашимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги Қарориди, «Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар томонлама қўмаклашиш...» дея урғу берилгани бежиз эмас. Кўпчилик оила учун яраган, дея ҳисоблайдиган аёл ҳам жамиятдаги меҳнатда ўзини топади.



“Эҳ, она қилиб яратмасин экан-да”, - дердилар раҳматлик онам биз фарзандларни деб юракларни оғриганда, минг бир дардимизга чора излаб ўйга толганлариди. Тирриклик, навқиронлик, ҳою ҳавасларига гарқ бўлиб умр ўтказарканмиз, онамиз нигоҳи қайда бўлмайлик бизни тинмай кузатаётганлигини, дунёнинг яхши-ёмонларидан асраб турганлигини, йиғласак йиғлаб, кулсак кулишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. “Кўча-кўйда кўзингга қараб юр”, “Яхшилаб ўраниб ол, шамоллаб қолма”, “Уйга вақтлроқ қайт...” Бунга жавобан: “Нима, бунчалар ташвиш чекасиз? Ёш бола деб ўйлайсизми?” - дердик биз лоқайдлик билан. Онамиз бизнинг бу ҳолатимизни ҳам тушунардилар, кечирардилар. Ҳали ота-она бўларсизлар, сизлар ҳам фарзанд деса, юрак баргдек титраб туришини ҳис этарсизлар. Илоё, шундай кунларга етинглар”, - деб дуога қўл очардилар...

ОНА ҚАЛБИ

лашга қаратилган Президентимиз Фармонлари, қонунлар ва қарорлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга тад-

ОЁҚКА

биқ этилмоқда. Ўтаётган йилларимизнинг Президентимиз томонидан бевосита хотин-қизларга, оналарга, ҳар бир инсон учун муқаддас гўша саналувчи оилага, келажакимиз эгаларига, қарияларимизга қарата номланиб, ҳукумат даражасидаги махсус Дастурлар асосида фаолият юритилиши ҳам бевосита аёлларимизга эътибор ва ғамхўрликдир. Фан-техника юксак тараққий этган XXI асрда яшаётган бўлсак-да, юракларимиз таҳлика исканжасидан холи эмас. “Ҳаёт - курашлар, қарама-қаршиликлар силсиласидан иборат”, дейишади файласуфлар. Бугунги кун телевидение ва радио хабарлари соат сайин бизга воқеа-ҳодисалар ҳақида хабарлар етказилади - қайдадир ҳалокатли табиат тошқинлари, ернинг қай бир нуқтасида, ё осмоннинг қай бир қаватида аэро ва авто фожиалар, қай бир юрда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги талотўплар, жангу жадаллар юз бермоқда... Яқиндагина Тошкентда юз берган портлашлар, беғуноҳ одамларнинг ҳаётдан кўз юмишлари... Ёвузлик чегара билмайди, ёвузликнинг қиёфаси ҳам, миллати ҳам йўқ, ёвузлик Ватан, эътиқод, садоқат деган олий тушунчаларни тан олмайди, ҳаётга - ўсишга, тараққиётга, ёрқин келажакка қарама-қарши куч... Шу жумладан, ёвузлик ҳаёти мазмун-моҳияти бунёдкорликдан, инсонсеварликдан иборат аёлларга - оналаримизга ҳам қарши кучдир. Президентимиз ҳаммиша мустақиллигимизни, Ватанимизни, маҳалламиз, уйимизни ёвуз кучлардан ўзимиз асрашимиз, зийрак ва оғоҳ бўлишимиз лозимлигини уқтирадилар. Шу ўринда жаннатмақон шориримиз Зулфия опанинг мана бу мисраси беихтиёр ёдга келади:

мушимизнинг ҳақиқий посбонлари сифатида кучга, қудратга айланишимиз даркор. Айни дамда “Қандай қилиб?”, деган табиий савол ҳам туғилади. Албатта энг аввало аждодларимиздан мерос қадриятларимизга таянмоғимиз лозим. Замон талаби даражасида билим

ТУРСА...

ва дунёқараш билан қуролланмоғимиз, касб-хунаримиз - меҳнатимиз билан оила ва жамиятда ўз ўрин ва овозимизга эга бўлишга интиломоғимиз, изланмоғимиз лозим.

Президентимизнинг шу йил 25 майдаги “Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу асосдаги қарори юртимиз аёллари ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Фармон хотин-қизлар кўмиталарини ҳар бир аёлнинг ташвишлари, орзу-ниятларига ҳамнафас бўлишга чорлади. Хотин-қизлар кўмиталари аёллар илму урфони, маънавияти, соғлиги, тадбиркорлиги, меҳнати, ижтимоий муҳофазасига доир қонунлар, ҳужжатларнинг жойларда амалга оширилиши таъминлашга бош-қош бўлишлари лозим. Аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ биладиларми, бурч ва масъулиятни ҳис этадиларми? Аёлларнинг оила бекаси, фарзандлар онаси, шунингдек, фуқаро ва шахс сифатидаги камолоти учун яна нималар қилмоқ лозим? Бугунги замон ва ҳаёт Хотин-қизлар кўмиталари ана шу каби муаммоларни ҳал қилишида жонбозлик кўрсатишларини тақозо этади.

Азиз, опа-сингиллар, онахонлар, сизу бизга омонатга берилган умримизнинг азиз оналарини яхшилар ва яхшиликлар теграсида ўтказишга чоғланайлик, токи гўзал Ватанимиз шу дунё жаннатига айлансин. Зеро, оналар нияти пок ва албатта ижобат топқусидир.

Дилбар САЙДОВА

МЕҲНАТИ БИЛАН АЗИЗ



Ҳосият Акрамова маҳалладаги аёллар билан иш юзасидан тез-тез ҳамсуҳбат бўлганида: “Оиламизга моддий ёрдам керак” - деган илтимосларга дуч келарди. Гоҳ тадбиркорлар, гоҳ бирорта жамғармадан ёрдам сўраб, аёлларнинг илтимосларини ерда қолдирмасликка ҳаракат қиларди. Аммо ич-ичида: - Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ишга ўргатадиган бирор корхона очсам”, - деган истак бот-бот уйғонарди. Қарши шаҳрида “Идрок” дея номланган аёллар ва ёшлар ижтимоий ҳуқуқ маркази шу тарзда дунёга келди. “Идрок”нинг энг асосий вазифаси аёллар, ёшларни ўз кучи, имкониятларига ишонтириш. Шу мақсадда Қарши маҳаллаларига, Чироқчи, Деҳқонobod каби чекка туманларга бориб психологик суҳбатлар, тиббий, ҳуқуқий билимлар берувчи учрашувлар ўтказди. Бошида: “Буюм одатдаги бир вазъонлик-да” - дея бепарво ўтирган ёшлар, аёллар “Кичик ва ўрта бизнесни қандай бошлаш керак? Кредитни ҳамма олишга ҳақли, фақат...” каби долзарб мавзулардаги савол-жавоблар бошланган, суҳбатга киришиб кетишади. 2003 йил октябр ойидан бошлаб, “Идрок” АҚШнинг нодавлат-нотижорат ташкилотларидан бири томонидан молиялаштирилган, 1 йилга мўлжалланган Қарши ёшларини иш билан таъминлаш — КЕУ дастури билан ҳамкорлик қилмоқда. АҚШда 1952 йилда ташкил этилган бу ташкилот ҳозир дунёдаги 30 та давлатда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳамкорлик бошланган, “Идрок” 97 нафар ёшларни автосервис хизмати, қандалатчилик каби турли соҳаларга ишга жойлаштирди. Ёшлар аввал шогирд сифатида иш бошлайди, иш ўргатиш ҳақининг 50 фоизини 6 ой мобайнида тўлаб туради. Шу муддатда иш ўрганиб, ўзи алоҳида бизнес бошлаган ёшлар ҳам 5-6 киши бўлиб қолди.

- Шу кунларда 32 та ташкилот билан алоқа боғланганиз. Кўп ташкилотларга замонавий техника, тил биладиган ишчилар керак. Қаерга, қандай ишчи керак - бир қулгоғимиз билан шу саволга жавоб ахтарамиз. Яна бир диққат нуқтамиз - мактаб, коллежлар. Қанча ёш битираяпти-ю, нима иш билан шуғулланаёпти...

Ҳосият Акрамова қилаётган иши орқасидан ўзи ҳам элда эътибор топди. Одамлар доимо уни излайдилар, унга ишонадилар, бу дунёнинг бор зийнати шу эмасми, ўзи? **К. РАҲИМБОВА**

Она қалби... Бу дунёда ундан нафисроқ ва айни дамда ундан-да қудратлироқ куч бормикан?! Аёл - Она уни парча этга жон ато этаркан, уни авайлаб, ардоқлаб, ўстириб воғга етказаркан, ўзи ҳам руҳан юксалаверади. Фарзанднинг ер узра қўйган илк қадами, илк сўзлари, эркалиқлари, ўйинқароқлиги... Фарзанднинг қадду камоли, элга қўшилиши, юрт қорига яраши... Аслида ҳам тирикликнинг оддийгина ва буюқ фалсафаси аёл - онанинг умри мазмундан иборат эмасми?!

Хотин-қизлар камолоти, аҳвол-руҳияти, жамият камолоти, аҳвол-руҳиятини ҳам белгилайди, деган фикр мавжуд. Инсоний ҳаёт муқаддимаси - аввал боши онадан, унинг меҳру муҳаббати, эътиқоду ишончи, вафою садоқатидан бунёд топиб юксалишини тан оладиган бўлсак, чиндан ҳам аёл - она муқаддас ва беназир зотдир.

Бизнинг қадим Ватанимизда она шаъни-шавкати ҳаммиша асралган, ардоқланган. Ёш, мустақил республикамизда аввал бошданок Аёл-онанинг ҳаётида ўз ўрни ва овозига эга бўлишини таъмин-

“МУСТАҚИЛЛИК - БАХТИМИЗ”

ташқил қилиш кўзда тутилган. Ушбу тадбирлар доирасида “Энг ибратли келин”, “Маҳалланинг энг ибратли боласи”, “Энг одил қайнона”, “Чеварлар чевари”, “Узун соч-қиз зийнати”, “Менинг гулларим”, “Маҳаллам қаҳрамони”, “Энг намунали мактаб”, “Спорт соғлиқ кафолати”, “Энг чиройли дастурхон” танловлари ҳам ўтказилди. Бундан ташқари спорт иншоотлари, майдонларида стол тенниси, кураш ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш режалаштирилган. Хунармандларнинг энг яхши ишларидан кўргазмалар тайёрланади.

С.ФАХРИДИНОВА



Суратда: Кўргазма ташкил қилиш мақсади билан маҳалла маркази шифохонаси шифокорлари Рўзихон Насриддинова ва Лолаҳон Абдурахмонова. Суратчи: Азамат ТОШМАТОВ



МЕН ОФИЦЕР БЎЛАМАН

Акмал тўрт ёшда эканлигида دادаси Акбар ака вафот этди. Синглиси Дилбар эндигина икки ёшга тўлганди. Касалманд аёл учун иккита болани парвариш қилиш оғир эди. Она учун фарзандини бегоналар тарбиясига беришдан оғирроқ, аламлироқ фожиа бўлмаса керак. Саида опа ақл измига бўйсуниб, болаларини меҳрибонлик уйига топширди. Унинг соғлиги кундан-кунга ёмонлашаётган эди. Аввал эри, кейин онаси, орадан оз фурсат ўтиб-ўтмай навқирон укасидан бевақт айрилиш - ҳаётнинг бундай шафқатсиз зарбаси аёл қаддини бўкиб қўйди.

Чўкаётган одам ҳасга ёпишганидек, аёл ҳам ҳаётининг сўнгги кунларида тўққиз яшар ўғли Акмалга суянди. Боласининг қўлчаларидан тутганча, катта одам билан гаплашгандек деди: "Ўғлим, агар менга бир гап бўлса, синглингни эҳтиёт қил. Унинг сендан бошқа ҳеч кими йўқ..." Болани хайратдан кўзларини катта-катта очганича онасига термулди. Аёл кўзларидан сизиб чиқшига улгурган азобдаги юрак ғалаёнини боласидан яширгандек, унинг ушоққина елкасига бошини қўйди. Орадан икки кун ўтиб - онаси

вафот этгач, бу сўзларнинг маъноси Акмалга аён бўлди. Онасининг ўша кунги ҳолати ҳамон кўз ўнгиди. Сўнгги сўзлари ҳамон кулоқларида қолган. Болаларга тенгдошларига нисбатан эрта улғайди.

"Мен офицер бўламан", - бу болалигидан энг беғубор, энг катта орзуси эди. Гўдак тасавури офицерни ҳар нарсасига қодир, қўрқмас, кучли, заифлар қимоячиси қимёсиди кўрарди. Кичкина чиранчоқ болага "сен-а!" дея ишонқирамай қарайдиганлар кўп эди.

Акмал ўн беш ёшга тўлганида уни фарзандликка олиш учун Маҳбуба Ражабова исм-шарифли

аёл келди. Бу кунни ҳамма болалар интиқиб қуттишади. Акмал учун бу қанчалик қувончли бўлмасин, у синглиси Дилбарсиз ҳеч қаерга бормаслигини маълум қилди. Аёл беозор кулганича уни синглиси билан таништиришни сўради. Болакайга нисбатан уйғонган меҳр унинг синглисини четлаб ўтиши мумкинми? Маҳбуба опа уларнинг ҳар иккисини ҳам ўз тарбиясига олди.

Курсант бўлиш учун биринчи уриниш муваффақиятсиз бўлди. Онаси Маҳбуба опа унга далда берди! "Куюнма, ўғлим, хали ҳаммаси олданда. Сен хали ёшсан, кейинги йил албатта омадинг чопади". Кейинги йил чиндан ҳам омади келди. Катта лейтенант (ҳозирда капитан) Адхам Сармонкуловнинг беғараз кўмаги, ишончи туфайли Акмалнинг ҳаётида муҳим бурилиш юз берди. У Тошкент Олий умумқўйин кўмондонлик билим юртининг курсанти бўлди. Ўғли Акмални ҳарбий либосда кўрган Маҳбуба опа қувончдан кўзига ёш олди. Ақасининг ушалган орзуси Дилбарни ҳам тўлқинлантириб юборди.

Бетакрор Самарқанд шаҳрида туғилиб, ўсган Акмалнинг улкан ҳаёт бўсағасида шарафли йўлни танлагани, меҳр-оқибатни қадрлайдиган, инсонлар қадрига етувчи яна бир ёш офицернинг Қуролли кучларимиз сафига қираётганлиги қувонарлидир.

Инобат ИБРОҲИМОВА



- Келинг, мана пардалар, хоҳлаганингизни танланг, - серҳаракат, жонсарақ аёл хушмуомалалик билан қарши олади. Ҳақиқатан ҳам, покиза, шинам, тинч салонда хилма-хил пардалар осилган. Зиёда Ҳайитова Қарши шаҳрида очган элита пардаларини тикиш билан шуғулланувчи корхонасини "Зиёдабегим" деб атаган.

- Биз ҳар бир корхонага фақат боқувчи, пул топувчи сифатида қараб ўрганиб қолганмиз. Аслида ҳар

«ЗИЁДАБЕГИМ»

бирида замон руҳи, одамлар кайфияти акс этади, - дейди Зиёда Ҳайитова. У асли тарихчи, анча пайт мактабда муаллимлик қилган. Хали муштақиллик бўлмаган даврларда ҳам ўзича нималардир бошлаб юрар, ёшларга хунар ўргатгиси келарди. Хусусий тадбиркорликка йўл очилганди, истакларига имкон топгандай бўлди. Авваллари уйини таъмирлаганда, қиз чиқариб, ўғил уйлаганда ўз-ўзича парда сотиб олиб, ўз-ўзича уй безатадиган аёллар энди "Зиёдабегим"га келишади.

"Зиёдабегим" бугун кечаги билим билан ишлаш мушкуллигини яхши билади. Шунинг учун Зулфияхон, Зебохон каби дизайнер кизларини курсларда ўқитди.

- Яқинда миллий банкдан 5 миллион сўм миқдорда кредит олдим. Турли материаллар, замонавий тикув машиналари харид қилдик. Баъ-

зи тадбиркорлар: "Кредит ололмаймиз, қийин", - деб нолишади. Қонунни билиб, ҳужжатларни тўғри тахласангиз, кредит олиш қийин эмас, - дейди Зиёдабегим.

Бир уйнинг пардаси ўрта ҳисобда 15 миң сўмдан 100 миң сўмгача борар экан.

- Харидор борми? Даромад қиласизми? - дейман.

Ахир, шунча пулга парда қилдириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдими-ку?!

- Баъзи кам таъминланган оилаларга имтиёзимиз бор. Аммо доим харидор етарли. Бекор ўтирган пайтимиз йўқ. Биз фақат пардалар эмас, миллий тўй либосларини ҳам тикамиз, - дейди Зиёда.

Ҳа, Зиёда Ҳайитова бош бўлган бу меҳнат маскани одамларнинг ҳолатини чиқаради. Шу билан бирга муаммоларига ечим излайди, топиб, севинади.

ҚУТЛИБЕКА

Яхшилардан сўз очдик

Фотимахон опа Тўлашова 64 баҳорни қаршилаган бўлса ҳам ёшлардек сергайрат, ти-

гиниб қолишади. Опа билан туманининг кўзга кўринган нотиги, муаллим Одилжон ака Тўлашов турмуш қурганларига ҳам яқин-

НАМУНАЛИ ХОНАДОН

ниб-тинчимайди. Саранжом-сарашта, хонадонини турли хил гулларга буркаган. 4 ўғилу, 3 қизнинг меҳрибон онажониси, 30 неваро-ю, 2 чеваранинг сеvimли бувижониси. Фотимахоннинг камтарлиги, уй-рўзгор ишларини дўндириб қўйиши, олийжаноб фазилатлари қизларига ҳам ўтган. Раънохон, Донохон, Дунёхон, Барнохонлар онажонига ўхшаб, намунали хонадонларнинг сеvimли, лобар келинларидир. Уларга қараб барча қайноналар ана шундай келин кўрсам, деб орзу қиладилар.

Фотима опа келинлари Фазилатхон, Зарифахон, Зулфияхонларни қизларим, деб билади. Улар билан сирдош. Онахон бирон кун қариндош-уруғлариникига меҳмонга кетса, келинлари уни тезда со-

да 46 йил тўлди. Улар бир-бирини авайлаб-асраб, кўнгилларини кўтариб, бир-бирига суяниб яшайдилар. Бу оилага ҳавас қилган киши топилмаса керак. Тиниб-тинчимас фаришлар Одилжон ака билан Фотима опа маҳалладаги тадбирларга бош-қош. Ёшлардан ўз маслаҳатларини аяшмайди. "Меҳр-муруват йили"нинг мазмун-моҳиятини, юртбошимизнинг савобли ишларини аҳоли қалбига чуқур сингдириптилар. Ширмонбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги Учтепа кўчаси, 8-уйга қадам ранжида қилган ҳар бир киши, бу оиладаги тотувлик, камтарликдан қалбан юксалади.

Раъно ЖУМАНИЁЗОВА,
Анджон вилояти,
Булоқбоши тумани.

ДИЛКАШ ИНСОН

Дунёда шундай инсонлар бўладики, улар гўё эзгулик ва яхшилик учун туғилгандек. Самарқанд вилояти, Нуробод туман "Матбуот уюшмаси" масъулияти чекланган жамияти бошлиғи Бобокул Хамроевд ана шундайлардан. Маскур ташкилот тумандаги 120 миңдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. 200 турдаги газета ва журналлар тарқатилади. Ҳатто, туман марказидан 130 км. узоқликдаги "Саҳоба ота" ширкат хўжалигига ҳам қундалик на-шрлар вақтида етказилади.

Нуробод шаҳридаги 6 та матбуот дўконига республика миқёсидаги газета-журналлар, шу қаторда "Оила ва жамият" ҳам аҳолига сотилмоқда. Бобокул ака зиёли, дилкаш инсон. У киши билан сўхбатлашиб асло зерикмайсиз. Оилада меҳрибон ота, рафиқасига садоқатли ёрдар. Бобокул Хамроевдек фидойилар бор экан, ҳамюртларимиз зиёдан баҳраманд бўлишаверади.

Ҳошим ОРЗИКУЛОВ

АЛИМЕНТ

(Боши ўтган сонда)

Икки марта турмушдан ажрашган одам икки оиладан бўлган фарзандларига қанча алимент тўлайди?

- Агар қарздорнинг биринчи турмушдан 2 та бола-синглиси учун 33% ва иккинчи турмушдан 1 та бола учун 25% алимент ундириш тўғрисида ижро варақаси мавжуд бўлса, унинг ҳам ҳуқуқи муҳофазаланми. Яъни алимент ундириш миқдори 50% дан ошмаслиги керак. Алимент тўловчи фуқаролик тартибидида иккала ижро варақасидан нусха олиб, алимент миқдорини қисқартиришни сўраб даъво аризаси бериши мумкин.

Алимент тўловчи республикадан ташқарида яшайётган бўлса-чи?

- Алимент тўловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшамасдан, ўзга мамлакатларда доимий истиқомат қилиб келса ва яшаш манзили аниқ бўлса, алимент олувчи томонидан фуқаролик судига даъво аризаси берилади. Ариза фуқаролик тартибидида 1993 йил ҳамдўстлик давлатлари ўртасида тузилган Минск Конвенциясига асосан фуқаролик судлари томонидан расмийлаштирилиб, қарздорнинг яшаш манзилидаги адлия органига алимент тўлаш ҳақидаги ижро варақаси юборилади.

Ҳуқуқий дарсхона

Алимент тўловчи қандай пайтда алимент тўла-маслиги мумкин?

- Агар алимент олувчи билан ўзаро келишиб ёки ярашиб кетса, алимент олувчи томонидан суд ижросисига ёзма равишда ижро варақасини қайтариш тўғрисида ёки алиментдан воз кечганлигини билдириб, ариза билан муурожаат қилса, суд ижросиси фуқаролик ишлари бўйича судга ижро иши юритувини тугатишни ҳал қилишни сўраб муурожаат қилиши керак.

Вояга етмаган бола "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланаётган бўлса-чи?

- Агар қарздорнинг алимент тўлайдиган фарзанди "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланаётган бўлса, интернатда ёки ҳарбий ҳамда умумтехника билим юрти-ларида ёки озодликдан маҳрум этилиб, болалар колониясида бўлса, қарздор суднинг қарорига асосан алимент тўлашдан озод этилади.

Қандай турдаги даромадлардан алимент ундирилмайди?

- Бир неча ҳолатларда бериладиган даромадлардан; - ишдан бўшатилган вақтда бериладиган ёрдам пулидан;

- сугурта бадалли олинмайдиган бир вақтда бериладиган муқофотдан;

- фан, адабиёт ва санъат соҳасида эришган ютуғи учун бериладиган муқофотдан;

- янгилик яратган ва ихтирочилик тақлифлари учун бериладиган муқофотдан;

- хизмат сафарига юргани учун ёки бошқа ишга ўтганлиги учун тўланадиган тўловдан;

- кунлик ҳамда квартирада ижарада яшаганлиги учун ойлик маошига қўшиб бериладиган ҳақлардан;

- қўшимча овқатланиш, санатория ёки курортда даволаниш учун, жабрланган бўлса протези учун, етказилган зарарни қоплаши учун, етказилган тан жароҳатини тиклаш учун тўланадиган пуллардан;

- биринчи тоифадаги ногиронни боқиб учун бериладиган пулдан;

- бола туққанда бериладиган суюнчи пулидан;

- кўп болали ва ёлғиз оналарга тўланадиган нафақадан алимент ундирилмайди.

Қандай турдаги даромадлардан алимент ундирилмайди?

- ижтимоий сугурта давлат нафақаларидан, шунингдек вақтинча ишга яроқсизлиги учун тўланадиган нафақадан;

- соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ёки иш қобилиятини йўқотгани учун бериладиган тўловдан;

- оладиган ҳақиқий пенсиясидан;

- стипендияларидан;

- касб-хунармандчилик ёки шахсий хунармандчиликдан оладиган даромадларидан;

- томорқа ёки ёрдамчи ҳисобдан олинган даромаддан.

Алимент ундирилиш ҳақида яна нималарга аҳамият бериш керак?

- Агар алимент тўловчи ҳеч қаерда ишлагана ёки алимент олувчига пулни вақтида топшира олмаса, яъни алимент олувчи узоқ вақт республикадан ташқарига, яшашга кетган бўлса, бу ҳолда суд ижросиси алимент миқдорини суд ижрочиларининг депозит ҳисоб рақамиде сақлайди. Алимент олувчи қайтиб келганидан сўнг, алимент олувчи томонидан омонат дафтарчаси очилиб, банк орқали алимент берилади. Мабодо алимент олувчининг доимий яшаш манзили Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлса, суд ижрочилари бўлинимасида сақланаётган пуллар алимент олувчига Республика Бош Почтаси орқали тўлов топшириқомасидан пул тўкаши йўли билан алимент олувчига юборилади.

Субҳон ҲОЖИМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос.



ридан дарак беради, - дея онасининг мулоҳазасини қувватлайди Мавлудахон. - Айниқса, санъаткорнинг либоси, ўзини тутуши - эл кўзида. Баъзан ҳаммаёғини очиб кийинган қизларни ёки хонандаларни кўрсам, ҳайрон қоламан. Ҳатто концерт ёки тўй ҳашамларга ҳам тор шим, майкалар кийиб бориб, кўшиқ айтадиган санъаткорлар бор. Ахир йиғилганлар унинг чиройли кўшиғи, чиройли ҳусни-таровати, либосидан баҳра олиш учун келганлар-ку! Уларнинг умидларини пучга чиқаришга, кўнгилларини менсимасликка санъаткорнинг ҳақиқий йўқ-ку! Тўғрими? Замонавий либосларни ҳам англи, орқа-олдини сал пардали қилиб кийишнинг иложи бор-ку.

- Турмуш ўртоғингиз, янглишмасам, туркманистонлик. Туркман йигит қандай қилиб жалолободлик қизни "топиб олди"?

- Тўртинчиси айтсам, мени Давлетнинг оналари, қайнонам "топганлар". Театр-рассомчилик институтини ту-

СУВ ИЧИРМАГАНГА СУТ ИЧИР...

Мавлудахонни сўраб хонадонига борганимда, 60 ёшлардаги, файзу тароватли онахон пешвоз чиқдилар.

- Асли Қирғизистоннинг Жалолободиданми. Бир ой берда бўлсам, бир ой туғилган юртимданам, болам. Қизим-Мавлудахон кетгани кўймайди. Ахир менинг ҳам кўни-кўшнларим бор, эл-юрт дегандай... - дейди Санобархон ая.

- Уйга борганимда, бувимга: "Мендан ёрдам-да", - деб озроқ пул ташлаб келаман,- дейди Мавлудахон. - Биламан, бувим ўшани ҳам ўзларига сарфламайдилар — маҳаллада кимнингдир томини ёптириб берганларини ёки дарвозасини қурдирганларини, яна бировнинг рўзғорига ёрдамлашганларини эшитиб, "ич-ичимдан" хурсанд бўламан. «Мен ясанди юрсаму, ёнимдаги одам қўйналиб яшаса... худонинг қаҳри келмай-дими»?-деб қўядилар. Бу хислат раҳматли дадам (Абдурахмон ҳожи ота)да ҳам бор эди. Даданинам вафотидан сўнг бувим уларнинг кундалиқларини менга тут қаздилар. Унда: "Онаси, Мавлудан берган пулларни йиғиб қўйганман. Отанинг қиздан пул олиши тўғри бўлмайди. Мен "ўтгач", пулни Мавлудага бергин. Нимага сарфлашни ўзи билади, қизимнинг фаросатига ишонаман", - деб ёзиб қўйибдилар. Йиғлаб-йиғлаб, пулларни олдим-да, ўша маҳаллада 50-60 кишига мўлжалланган кичикроқ мачит қурдирдим. Бу ерга чиқкан катта-кичикнинг дуоси дадагинамга етишига имоним комил.

Мен бироз Мавлудахонни ўз ҳолига қўйиб, Санобархон аяни гапга тутдим:

- Фарзандлар тарбиясида отанинг ўрни баландми, онанингми?

- Албатта отанинг... агар у идрокли, иймон-этиқодли одам бўлса... Онанинг ҳам ўзига хос улуши бор. Дадаси раҳматлик қизларига берадиган ўғитларини доим мен орқали уларга етказардилар. Ҳеч қачон овоз қўтариб, қизларга гапирган эмаслар. Қизларнинг ҳар бир ҳаракатининг жавоби бор эди. Бир куни Мавлуда қовоғини кўк бўёқ билан бўяганини кўриб: "Ортиқча пардоз - масҳарабознинг иши. Қизингга шу гапимни айтсанг, етади", - деганлар. Ҳатто телевизорда кийиб чиққан кийимларига ҳам назорат қилардилар. Енгсиз кийим ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Қизларим, айниқса Мавлудагинам ҳам кийиниш борасида отасининг таълимини ёқлайди.

- Кийиниш инсоннинг ҳулқ-атво-

гатиб, икки йиллик йўлланма билан Туркманистонга ишга бордим. Мен турган "дом"нинг тўртинчи қаватида Давлетнинг онаси Сафарбиби ая яшарканлар. Пастдан челақда сув олиб чиқаётган аяга доим ёрдамлашардим. Сўнг улар мени суриштириб, мен яшаётган оила - домларимникига совчиликка борибдилар. Аввалига "туркман йигитга-я!" - деб кулдим. Ахир совчилар ўз юртимда ҳам кўп эдида. Кейин тўйга розилик бердим. Биноидек туркманча овқатларни ҳам ўрганиб олдим. Мана ҳозир қизимиз Маржона 15 ёшга кирди. Қўшиқлар ҳам айтади. Лекин тилшунос бўлиш ниятида. Ўғлимиз Қурбон 19 ёшда. Олийгоҳ толиби, "банкир" бўлмоқчи. Раўзга айб йўқ, дейдилар.

- Ҳозир синглингиз Гулбахор ҳам ўз қўшиқлари билан эл эътиборига тушиб қолди. Бошқа укаларингиз-да мусиқачи эканлар. Авлодингизда санъаткор бўлганми?

- Дадам педагогика билим юртида мусикадан дарс берганлар. Уларни қўшиқ ҳам айтганлар. Агар уйга кечроқ қайтсалар, кела-келгунча най чалиб келардилар. Най овозини кутиб, ухламай ўтирардим. Қонимиздаги санъатга илҳос шундан, деб ўйлайман. Ижодимни эса классик ашуллалар айтиш билан бошлаганман. Аш-хоббодда рок-эстрада қўшиқларини ўргандим. "Унутма", "Мохилул", "Келмади" сингари қўшиқларим мени элга танитди. Турк санъаткорлари Сардор Ўртач, Иброҳим Тотлиқас, Гулбан Эркинлар билан ижодий ҳамкорлик қиламиз. Кўп марта Америка, Германия, Тайван, Исроил, Франция мамлакатларида концертлар бердим. Уларнинг санъатсевар халқи мендек оддий ўзбек қизининг ижодида эҳтиром билдирганларидан бошим осмонга етди. Танловларда эса тобландим. Халқимизнинг олқишини олдим. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонига лойиқ кўришди. Ҳар йил 30-40 тагача янги қўшиқ тайёрлайман. Худоба шуқр, элга маъқул бўлаяпти. Санъаткор учун бундан ортиқ бахт бормикин?!

- Мавлуда Асалхўжаевани сазоватпеша инсон, дейишади...

- Очигини айтсам, одамларга яхшилик қилсам, ўзим ҳам қувониб кетаман, борлигимда бир енгиллик хис қиламан. Ҳатто ёмонлик қилганларга ҳам адоват сақламайман, яхшилик қилавераман. Ахир "сув ичирмаганга сут ичир", дейишган-ку!

Яхши ният ярим давлат, дейдилар. Ниятларингиз ҳамроҳингиз бўлиб доимо эл ардоғида юринг, Мавлудахон!

Санобар ФАХРИДИНОВА

БАХТДАН УСТУНМИДИНГ,

Кўшнимнинг уйига кеча яна совчилар келишди. Лекин қиз томоннинг шароитлари тўғри келмади шекилли, совчилар қайтиб кетишди. Кўшнимиз кўп болали, бунинг устига эридан эрта ажралган. Минг машаққатлар билан фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб, ҳеч кимдан кам қилмай ўстиришга ҳаракат қилади. Уларнинг уйларига келган совчиларнинг қайтиб кетишларига асосий сабаб - келин томоннинг камбағаллиги эмиш. Оназорнинг қалби вайрон, кўзи маъюс ҳолда атрофидан нажот излайди.

Уша совчилар бизнинг маҳаллага яна қайтиб келишди. Бу сафар улар сал наридаги бойвучча кўшнимизникига кириб кетишди. Отасининг чиройли, замонавий машинаси, онаси-ю, қизининг бўйни ва кўлариди ялт-ялт ёнаётган тилла-тақинчоқлар совчиларнинг кўзларини ўйнатган бўлса ажаб эмас. Совчилар "бой"лар хонадонидан миннатдор тарзда ғурур-ла чиқиб кетишди. Тез орада

БОЙЛИК?



тўю тантаналар бошланди. Тўй куни савлат тўкиб, виқор-ла кириб келаётган меҳмонларни кўриб, йигитнинг онаси синглисига қарата: "Душманларим куйиб ўлсин, ҳам-манинг юраги ёрилаётгандир бу басавлат меҳмону, қуда-андаларни кўриб!" - деди.

Тўй дабдаба билан ўтди. Ойлар ўтиб, "келин бола"нинг ҳақиқий башараси очила бошлади. На эрига ва на қайнонасига бир оғиз сўз демай, уйдан чиқиб кетадиган одат чиқарди. Қайнонасининг юзига қараб, ўз эътирозларини билдира бошлади. Қайнона эса келинига иш буюриш туғул, бир оғиз сўз айтишга қўрқиб қолди. Шунда бойликка ўч бу аёл минг афсус-ла: "Биринчи борган жойимдаги қизни олсам бўларкан... Маҳалладагилари келинимни яхши қиз эмаслигини айтганлариди, улар ҳасад қилишяпти, менинг бой келин олишимни кўролма-яптилар, деб ўйловдим. Эҳ, афсус, у кунларни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмайди, энди ўғлимнинг синган бахтини ҳеч қандай бойлик билан ҳам тиклаб бўлмайди", - дея икки кўли билан пешонасини ушлади.

ҒИЙБАТДАН ЙИРОҚ БЎЛИНГ!

Бу ёруғ оламда яшарканмиз, гоҳо гуноҳ ишларга ҳам кўл уриб қўйганимизни билмай қоламиз. Шуниси қизиқки, гоҳ онгли равишда ҳам гуноҳ қиламиз. Бу — ғийбатчилик ва ғийбатдир...

Тинч, сокин маҳалда, ҳамма ўз иши билан банд. Жажжи кизалоқлар уйинчоқ ўйнаб чарчашмайди. Бир чеккада эса уларнинг бувижонлари, онажонлари бировлар ғийбатини қилишдан тўхташмайди. Кимнингдир кийган кийими ёки гап-сўзи уларга ёқмаса, кетидан ёмонлаб қоладилар. "Кимникига неча киши келди, кимлар чиқиб кетди, бўйи етган қизига неча марта совчи келди?" Совчиларга қандай жавоб берганимга қизиқиб кўрадилар. Қизингиз ёки ўғлингиз ўқишдан кечроқ қайтиб кел-

са борми, дарров: "Шу боланинг ёки қизининг қадами ноҳўяга ўхшайди", - деб ўзларича "фол кўришади". Ғийбатга шу қадар берилиб кетишганидан салом берганингизни ҳам эшитишнинг жойи.

Биз маҳаллани аҳиллик, тотувлик ўчоғи деб атаймиз. "Болага етти кўшни ота-она", деган нақлни кўп ишлатамиз, аммо эрта-ю кеч ўзгалар камчиликларини излаш билан банд бўлган бу кўшнижонларга нима дейсиз?!

Майли, улар ўз йўлга-ю, лекин ўша ерда югуриб юрган жажжи ўғил-қизларга бу қандай таъсир қиларкин? Улар ҳам эртага мана шу бувижону, онажонларига ўхшаб юрмасалар бўлгани...

Муяссар КАРИМОВА


Турмуш сабоқлари

Турсун бува изтиробининг бугун чеки йўқ, Тўқсон йил умр кўриб, қадди буқилмай ўтган раҳматлик отаси кўз ўнгидан нари кетмай, дашном беради:

- Нима дегандим сенга? Буни қайтар дунё, дейдилар. Мана, болаларингдан қайтипти. Узингдан кўр... -Раҳматлик отасининг нуқул кўзига кўришиб, бераётган танбехида жон бор. Йигитлик йиллари Турсун хизмат юзасидан бир кимсаннинг ҳожатини чиқарганида, ҳожатманд уни рози қилганди. Бундан

са, ҳамма шундай қилармиш. - Рўзгор катта, нарх-наво осмон, - дейди ўғилга қўшилиб келини. - Шаҳардан келган электричи ўзи шундай қилиб берганди. "Кўрқманглар, бир кори-хол бўлса, ўзим тинч-читаман", - деганди. Озгидан чўтал олиб турарди. Йигит ўлгур бошимизни балога қўйиб, ўзи бўшаб кетипти. - Ажаб бўпти, - дейди Турсун бува, - шеригинг ола қарга бўлса, емишинг нима бўларди?!

ҲАРОМДАН ҲАЗАР



Бува зарда билан уйдан чиқиб, чойхонага йўл олди. Юрагини бўшатмоқчи бўлди. Бир пиёла чой ичишга улгурмай чойхўрлар суҳбати ярасига туз сепди. Қизгин суҳбат ва тортишув бу ерда ҳам шу ҳақда борарди. Солиқчилар, ички ишлар ходимлари, прокуратура - барчаси солиқлардан қочиб, кассаларни бузиш, ҳисоблагичларни тескари айлантириш, электр, газ тармоқларига ўғринча улашиб олиш каби фирромликларга қарши курашни авж олдирипти.

Турсун бува уйга қайтаркан ўзича деди: - Йўқ! Қаллоблик одам боласига ярашмайди. То тирик эканман, хонадонимда ҳаромга ҳам, ҳаромхўрга ҳам ўрин йўқ, Буни болаларга англатиб қўйишим керак.

Собиржон ҲИДОЯТОВ, Тошкент.

- Отам бизни ташлаб бошқа бир аёлга уйланиб кетганида мен 16 ёшда эдим, - дея гап бошлади Қашқадарёдан кўнгирак қилаётган аёл.
- Укам 10, синглим 7 ёшда эди. Бу жудолик онамни батамом чўктириб қўйди. Кундан-кунга озиб, охири касал бўлиб, уч йил кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Гарчи қариндошларимиз моддий томондан кўлаб турган бўлса-да, кўнглимиздаги маънавий бўшлиқни тўлдирришга ожиз эдилар. Онам оламдан ўтди. Укаларим ёш, уларга бош-қош бўлиш, едириш-ичириш, кийдириш масъулияти зиммамга тушди. Уларга отамнинг ҳам, онамнинг ҳам ўрнини билдирмасликка ҳаракат қилдим. Шу орада уйимизга бирин-кетин совчилар кела бошлади.

бизникида туриб ўқийди. Унинг олдида арзимаган нарсдан бахона топиб мени ҳақоратлайди. Шу боисдан укаси ҳам мени одам ўрнида кўрмайди. Кирини ювсам, овқатини ўз вақтида ҳозирлаб қўйсам, яна нима қилишим керак? Ўзимни қафасга тушиб қолган қушдай ҳис қиламан. Мен учун ҳамма нарса чегараланган. Фақатгина уйимиз олдидаги дўкондан нон олиб келишга рухсат бор. Ахир мен ҳам одамман-ку! Нима, эрга тегдим деб, тўрт девор орасида қамалиб ўтиришим керакми? Мен ҳам кўчага чиқиб сайр қилишни, ҳаётдан баҳраманд бўлишни хоҳлайман. Ҳамма нарсам етарли, лекин оиламизда меҳр йўқ. Бундай ҳаётнинг нима кераги бор? Мана 4 йилдирки эрим билан кўрпа-тўшагимиз бошқа. 4 ёшли ўғилчам ўртада воситачи.

ЎҒЛИМ ЎРТАДА



ВОСИТАЧИ

Қариндошларимиз укаларимни ўз бағрларига олиб, мени турмушга узатмоқчи бўлишди. Мен кўнмадим. Қандай қилиб уларнинг кўзларини мўлтиратиб турмушга чиқиб кетаман? Уларнинг келажаги нима бўлади? Шуларни ўйлаб совчиларни қайтаравердим. Орадан йиллар ўтди. Укамни ўқишга жойладим. Синглимни узатдим. Бу пайтда ёшим ўттизани қоралаб қолганди. Энди менга оиласи бузилган ёки хотини оламдан ўтганлардан совчи келарди. Охириги ниятим укамнинг бошини икки қилиш эди. Уни ҳам амалга оширдим. Мен ўтган умримдан ачинмайман. Ҳаётда кимгадир кераклигининг, масъуллигининг ҳис этиб яшаш ҳам чексиз бахт эканини юрагимдан ўтказиб шу қарорга келдим. Ва ниҳоят қариндошларимизнинг қистови билан 31 ёшимда оила кўрдим. Турмуш ўртоғим фарзандсизлик туфайли ажрашган экан. Барча ниятларимни амалга ошириб, сўнггида ўзим ҳам оилавий бахтга эришганимдан чексиз бахтиёр эдим. Бир йилдан кейин ўғил кўрдим. Ҳақиқий оналик бахти нима эканини шунда ҳис этдим. Ўғлимни эмизсам онам кўз ўнгимга келиб кетаверарди. Бахтимга кўз тегди. Эрим ичиб келиб жанжал кўтарадиган одат чиқарди. "Турмушимда қандай хатога йўл қўйдим? Эрим нимага ўзгариб қолди?"-деган саволлар гирдобига қолдим. Бошида нима деса итоат этдим. Қарасам, кундан-кунга мени оёқ-ости қилаяпти. Мен ҳам гап қайтарадиган бўлдим. Энг ёмони-укаси


Мени гапимни дадасига, дадасининг гапини менга етказди. Ажралиш учун ваҳ ҳам, асос ҳам етарли. Лекин ўртамаздаги фарзанд бизни бир эшикдан кириб чиқишга, бир уй хавосидан нафас олишимизга мажбур қилиб турибди. Болагинам бир менга, бир отасига мўлтираб вояга етмоқда. Унинг тафаккурида турмуш деган тушунча шундай бўларкан-да, деган фикр шаклланмоқда. Ўғлим отасиз ўсишини хоҳламайман. Кеч турмушга чиқиб, эрта бахтдан жудо бўлдим. Ҳозир эримнинг иши, топиш-тутиши яхши. Атрофида хушомадгўйлар гирдиқалак. Эрта бир кун иши орқага кетса, ёнида мен ва ўғлим қоламиз-ку! Нимага шуларни ўйламас экан? Нима қилишга ҳайронман.

Аёл ўзини тутиб туролмай йиғлаб юборди. Ўғилчаси ёнида эканми, унинг ҳам йиғлагани гўшақка чалинди. Бироз сукут сақлагач, унга таскин берган бўлдим.
- Синглим, одамни вақт, шароит, муомала ўзгартиради. Ораларингиздан қандай гап-сўз ўтгани менга қоронгу. Лекин бир нарса аниқки, ҳаётда ҳеч бир нарса бесабаб рўй бермайди. Сизни жабрланувчи, эрингизни жабрловчи дейишга шошилмадим. Ҳар бир инсоннинг ўз дунёси бор. Ҳаётни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Кўп ҳолларда эр ёки хотин оилавий ҳукмронликка давогарлик қилади. Мана шундай ҳолатда бир томоннинг тазийқидан иккинчи томоннинг юрагида исён кўтарилади. Одамнинг қўл-оёғига кишан солиниши мумкин. Лекин кўнгилга кишан солишининг ҳеч илоҳи йўқ. Эримни ёки хотинимни ўз қолипимга соламан, чизган чизгимда юргизаман, деган тушунча бор экан, оилавий низога чек қўйилмайди. Оилада эр-подшо, хотин-вазир деган иборани кўп ишлатамиз. Лекин шу подшоини ақлли вазир йўлга солиши ҳам, йўлдан чиқариши ҳам мумкин. Сиз аёлсиз, Яратган Эгам сизни яратувчи қилиб сийлаган. Демак, оилангизни сақлаб қолиш учун имкониятингиз чексиз. Майда-чуйда гапларни орта ташлаб, бахтли кунларингизга қайтишга ҳаракат қилинг.

Тоҳир НОРИМОВ

ИККИ КУНДОШ ҚУДА БЎЛИШДИ

- Ичкарига кирмасдан бошқа бирор жойда гаплашайлик, - дея ўтинган аёлнинг сўзини қайтаргим келмади. Унинг кўнглига қараб ишхонамизнинг пастидаги ўтиргичда анча сўхбатлашдик.
- Ёлғизгина ўғлимни уйлантиргач, энди дам оларман, деб ўйлагандим. Аммо, бандасининг эмас, худонинг айтгани бўлар экан. Бугун жуда мушкул аҳволда қолганмиз. Мен-ку майли-я, аммо, болаларимизнинг аҳволи нима кечади энди...
- Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ, синглим. Ўлимдан бошқа нарсанинг чорасини топиш мумкин-ку! - дедим.
- Лекин, бу кунларни кўрганимдан ўлимимга ҳам рози эдим. Бу гапларимни яқинларимга айтиб бўлмайди. Улар ҳам кўнглимни вайрон қилишлари мумкин. Яқинда ўғлимни уйлантиргандим. Ёлғизгина болам жуда бахтли бўлиши мумкин эди-я... Афсуски энди...
- Ўғлингиз ишлайдими?
- У Тошкентдаги фирмалардан бирида ишлаётгани. Ўтган йили ўқишни битирди. У бир нечта тилларни мукамал ўрганди. Мақсади Америкага бориб малака ошириб, ишлаб қайтиш эди. Ёш мутахассис сифатида нуфузли ташкилотлардан бирига ишга таклиф этишганди. Шунинг учун тўйни тезлаштиргандик.
Аслида Фарғонадан кўчиб келганмиз. Бунга севиб турмуш курган эримнинг мени ташлаб, бошқа билан топишиб кетиши сабаб бўлганди. Очигини айтганда туғилган жойимда қола олмадим. Тошкентдан уй олиб яшаётганимга ҳам йигирма йилдан ошди.
- Шу вақт ичида нахотки эрингиз бирор марта хабар олмаган бўлса?..
- Хабар олиш уёқда турсин, бир кўчада яшайдиган ота-онами кўрганда, саломлашмас ҳам экан. Кейинчалик, унинг ўша аёлни ҳам бир қизи билан ташлаб кетганини эшитдим. Аёлни айбламайман. Унга ҳам шармандалиқни кўтариш осон бўлмаганки, у ҳам Тошкентга келиб қолган дейишди.
- Иккимиз ҳам бир-биримизни танимасдик...
- Кейинчалик танишиб қолдингларми?
- Афсус...Кейин танишдик. Анча кечикчи танишдик. Бунга ҳам эрим сабаб бўлди. Агар ҳаётимизда эрим пайдо бўлмаганида балки биз тинч-хотиржамгина яшайверган бўлармиким?
- Эрингиз ҳаётингизга қандай қилиб кириб қолди?
- Чет элга кетишдан аввал мен ўғлимни уйлантирмоқчи бўлдим. У яхши, ақлли бола эди. Бўлажак ёрини ҳам ўзи танлаганди ва олиб келиб мени таништирганди. Мен у қизни илк марта кўриб бағримга босганимда, бирданга жуда танишдек туюлди. Аммо: "Боламнинг кўнгли қўйган қизи-да, менга яна нима керак?" - деб ўйладим. Буни қарангки на келиним, на ўғлим бир-бирларига оталарининг суратини кўрсатишмаган экан. Биз иккита қуда ҳам бу мавзуда гаплашмагандик. Лекин, ўғлим: "Ойи, қаранг, оталаримизнинг исми бир хил экан-а!"-деганида қулиб қўя қолгандим. Нега оталарининг исми бир хил, улар ким ўзи, десам бўлар эди-ку!
Тўй ўтгандан кейин ўғлим кетишга тайёрларик кўра бошлади. Хужжатлар тахт бўлганидан сўнг, эрталаб қудам кўнгирак қилди.
- Қудажон, кечкурун сизларникига борамиз. Бир яхши хушхабар бор. Болаларимизни бир хурсанд қиладиган бўлдим. Сизга бирров айтман-да, уларга қутилмаган совға бўлсин. Отаси қайтиб келди. Тўй бўлганини кимдандир эшитиб хафа бўлибди. У билан яшаётган хотини чет элга кетиб қолибди. Ёлғиз ўзи қолибди. Қилишга юзи чидамай юрган экан, охири келаверибди. Мен ҳам кечирдим, нима қилай, ахир. Гулсарани узатганимдан кейин ёлғиз қолиб кетдим-да, ҳайхотдек уйимизда... - деди. Нима ҳам дердим, қудамни табриқладим-да, уйга бирга келишларини сўрадим.
Ўзим эса келишим Гулсарахон билан



елиб-югуриб дастурхон тузашга тушиб кетдик.
«Бугун Гулсаранинг ҳаётида энг ажойиб кун бўлади-да», деб ўйлардим. Аммо, бугун унинг учун энг бахтиқаро кун бўлишини қайдан билибман?
- Шундай қилиб отаси келгандан кейин нима гаплар бўлди?
- Э, сўраманг... Биз ҳамма нарсани тайёрлаб, тик этса эшикка қараб ўтирганимизда, машина келиб тўхтади. Ўғлим югуриб кўчага чиқди-да, бирпасдан кейин қайнонаси ва... қайнонаси бошлаб кирди. Қарасам... Келимини Гулсара барвастига эркакни бўйнига осилиб йиғлапти. Афтидан у ҳам йиғларди. Мен ҳам қудам билан кўришгач, эркак билан сурашиш учун унга юзландим. Юзландимур турган жойимда бақириб юбордим. У менинг эрим, ўғлимнинг отаси эди. Ҳаммамиз қотиб қолдик, унинг ёқисидан олганимни биламан, кўзимни очсам айвонда ётибман. Атрофимда ҳамма йиғлапти, эрим мендан кечирим сўрапти. Шу пайт келимининг йўқлигини сезиб қолдим.
- Гулсара...- дея қақирдим юрагим мудиши бир нарсани сезиб. Шунда ўғлим югуриб уйга кириб кетди. У додлаб Гулсарани кўтариб чиқиб келди. У қўлларидеги томирларини кесиб қўйган экан. Келимин касалхонада вафот этди. Онасининг айтишича, ёшлиқдан юраги хаста экан. Бу воқеани кўтара олмабди.
- Бу воқеаларга сабабчи бўлган эрингиз қаерда?
- Биз уни юлмага талаб уйдан ҳайдаб юбордик. Билмадим қаерга кетди. Ўғлим эса хотинининг маъракаларидан сўнг Америкага кетди. Бу ерларда яшай олмасди ҳам. Биз икки қудалар, тўғрироғи кундошлар эса... юрагимиз тўла армон-алам билан қолавердик.
Сизларга келишдан мақсадим шуки, қуда-андалар бир-бирларини, ҳатто, етти пуштигача яхшилаб суриштириб, оинаб кўришлари шарт экан. Шунини одамлар билиб қўйишсин. Бир номард эркакнинг қилмиши туфайли икки кундош бир-биримизни танимасдан қуда бўлиб қўйган эканмиз, - деди у.
Бундай воқеани мен ҳам биринчи бор эшитишим эди. Чиндан ҳам хотин олиб, ажрашиб кетганлар қилшоқда бўлсагина бир-бирга маълум бўлади. Аммо, катта шаҳарда одамлар бир-бирларини яхши танишмайди. Икки оловин ҳам эрлари сабаб Тошкентга келиб қилинган экан, эрлари туфайли иккинчи бор бахтиқаро бўлишди. Мен бугун шу савол билан кўпроқ эркакларга мурожаат қилмоқчиман. Эҳтимол, вақтида аёллардан ҳам хато ўтгандир. Айтинлар-чи, бу фожида кўпроқ ким айбдор?
ГУЛБАШАҚАР

"Дунё ўзи ганимат" -26-сон

ЭСАЛТМА: 82 ёшли онанинг шатимосига кўра, 15 йилдан буён гаплашмай келаётган синглим билан укамни яраштироқчи бўлдим. Лекин, синглим мени ҳатто уйга ҳам киритмади. Онам йўлаб яшнса ҳам кўнмади. Нима қилсам уларни яраштиришим мумкин!
Муаллиф: А.АХМЕДОВА



"Яхшида гина бўлмайди", - дейди халқимиз. Ўз туғишган акасига кек сақлаб, 15 йилдан аразда юрган синглига нима деса бўлади?

Акасини сингил билан яраштироқ истаган катта онани онасига қўшиб уйдан ҳайдаса-я.

Ўша сингилнинг гапига кулоқ тутинг-а!

- «Ха, уйимга атайлаб гурбат олиб келаяпсизми? Ана, онангиз, олингда, чиқиб кетинг!»

Қиз ҳеч бўлмаса она ҳурматини инобатга олиб, "тош ютиб", ака билан яраша қолса, олам гулистон бўларди-ку!

Ахир, вақти келиб, бирин-бирин ҳамма борларингни ер ўз бағрига олган, қондошинг бу дунёнинг бева-фолигидан овуниб яшашингга яраб қоларди-ку!

Мана, кеннинг ҳам бор яқинларим ўлиб-ўлиб, ёлғизгина меҳрибонгина Матлуба синглим қолган. Бир-биримизга суяниб яшаймиш. У менинг ота-онамдан қолган ёлғизгина ёдгорим. Кўришиб турмасак, чидолмаймиш. Бола-чаканинг йўриги бошқа-ю, туғишган жигар бошқа. Шунини унутмайлик, азизлар!

Афифа ҲАСАН қизи

Сарвиноз! Бунчалар бағритош, бемехр аёл бўлмасанг! Сен ҳам онасан-ку, "бир оёғи ерда..." бўлган онагни шунчалар ҳам эзасанми? Нахотки, ота ўрнида ота бўлиб қолган аканинг бир оғиз қойишини кечира олмасанг? Ахир ёшлигингда, болалигингда шу аканг сени қўшининг урушқок болаларидан химоя қилмаганми? Ахир шу аканг эмасми, қизалоқлигингда йиқилиб бошинг ёрилганда, сенга хўрозқанд олиб бериб юпатган?! Шу аканг эмасми, тенгдошларинг хафа қилганида тарафингни олган?! Сеннинг тўйингда олиб-югуриб хизмат қилган ҳам аканг билан келиноинг-ку! Она бўлиб ҳам ақлинг кирмадими? Ахир ўзингни онангнинг ўрнига қўйиб кўр.

Менинг ёганларимни ўқитганингда, икки қўлингдан бармоқларингни бирма-бир тишлаб кўр. Қайсинини оғримасанг, ўшанисини кесиб ташла. Ҳўш, ҳаммаси ҳам оғрийатими? Ана шунақа, бармоқларинг - фарзандларинг. Ахир бурун сассиқ экан, деб кесиб ташлай олмайсан-ку!

Биз ҳам бундан 6 йил аввал бир синглим билан юз кўрмас бўлиб кетган эдик. Бечора онаизорим бизни яраштираман, деб не кўйларга тушмадилар. Нафақа пулларига бозордан тансиқ мева сотиб олиб: "Синглим бериб юборди", - деб менга олиб келардилар. Янги кийим сотиб олиб: "Онаг бериб юборди, сенга деб олиб қўйган экан", - деб синглимга олиб борардилар. Вақт олий ҳакам, деганлари рост экан. Энди-энди яраларимиз битай даяпти. Ваҳоланки, бизнинг

Ҳар бир ота-она нечта фарзанди бўлмасин барчасини бирдек севади. Уларни ҳаммиша бирга кўришни, аҳил бўлишларини истади.

Ёши бир жойга бориб қолган она изтироблари одамни ўйлантиради. Мақоладаги ака-сингилларнинг арзиманган гап-сўзларни деб, йиллар давомида бир-бирларини кечирмаслиги ақлга сира сиймайдиган бир ҳолатдир.

Бир қориндан талашиб тушган ака-сингилларнинг нахотки бир-бирларига меҳру муҳаббатлари бўлмаса? Акаси ўз синглисини яқин олиб, хотинининг ёнини олишга мажбур бўлган. Сингил акани тушуниши, ўпкаламаслиги керак эди-ку! Қолаверса, улар ҳам фарзанд тарбиялашяпти. Нахотки бир куни келиб, ўз фарзандлари ҳам ана шундай юз кўрмас бўлиб кетиши мумкинлигини ўйлаб кўришмаса.

Ҳали ҳам сингил ўз хатосини тушуниб аввало онасидан, сўнгра акаси ва янгасидан кечирим сўраса яхши бўларди. "Меҳр кўзда" деганларидек, ана шундагина ака-сингилнинг болаларда ҳам бир-бирларига нисбатан қариндошлик ҳисси уйғонади. Бир-бирларига меҳр қўйишади. Муқаддас оиланинг ришталари сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам кечиримли бўлиш керак. Оллоҳ ҳам кечиримлиларни суйган.

Д. КАРИМОВА

орамизда хиёнат бор эди. Сен-чи, акангни бир оғиз қойиб қўйишига чидамабсан. Уят!..

Куш уясида кўрганини, қилади дейишади. Ахир фарзандларинг ҳам сенга ўхшаб бир-бирларига меҳрсиз бўлсалар, унда нима қиласан? Онангга кўрсатаётган кароматларинг эртага ўзингга қайтмайди, деб ким қафолат бера олади. Агар гапларим аччиқ бўлса, ўзингдан кўр! Сен шундай гапларга лойиқсан!

Сарвиноз! Инсон кечиримли, меҳроқибатли бўлиши лозим. Ахир дунёни меҳр-оқибат ушлаб турибди-ку! Бизнинг бир-биримизга бўлган меҳроқибатимиздан бошқа нимамиз бор? Ҳозирги кунда ака-ука, опа-сингилларимизга бизнинг нозу неъматларимиз, зару забарларимиз эмас, бир оғиз ширин сўзимиз кифоя. Ахир ўзимиз ҳам ширин сўзинг гадосимиз-ку!

Сарвиноз! Жудаям кеккайган аёл экансан. "Ухшатмасдан учратмас" деганларидек, эринг ҳам ўзингга мос экан. Майли, кечирим сўрама, яна тилингга чипқон чиқиб қолмасин, лекин онангнинг оқ сути хурмати, бир қориндан талашиб тушган аканг, шу акангни хурмат қилиб юрган келиноинг билан борди-келди ришталарини узмагин. Онагни ҳам Худойим бу дунёга боғлаб қўймаган-ку. Токи оналарингнинг кўзлари орқада кетмасин.

Сарвиноз! Гапларим оғир ботган бўлса кечир. Дилимдан нимаики ўтган бўлса истихоло, андиша қилмай тилимга чиқардим. Узинг хулоса қилиб оларсан.

Махфират ҒОҒУР қизи,
Сирдарё вилояти,
Гулистон шаҳри.

Сарвиноз! Узаро жанжалингизнинг сабаби бизга номаълум. Акангиз бош эгиб келибди-ю, уйга киритмабсиз. Агар билсангиз, синглисидан хабар олгани келаётган акаларга фаришталар ҳамроҳ бўларкан. Сиз акангизга эргашиб келаётган фаришталарни ҳам уйингиздан, остонангиздан ҳайдаясиз.

Халқимизда "Элчига ўлим йўқ" деган ибора бор. Сизни муросага келтироқчи бўлган онангизни уйдан қувганингиз ортиқча. Улар сиздан кўп нарса талаб қилишмаяпти. Оқибатли бўлишни сўрашяпти. Ўз ихтиёрингиз ила қон-қариндошлар билан алоқани узясиз. Сиз ҳали ака-опа, ота-онанинг қадрини билмас экансиз. Опа-сингил, ака-ука қадрини ёлғиз ўсган фарзандлардан, тақдир тақозоси туфайли бир-бирининг дийдорига зор бўлаётганлардан сўранг.

Узоқ ўлкадан воҳамизга келин бўлиб келган аёл бор. Аллақачон фарзандли, неварали бўлган. «Турмуш ўртоғим, қўни-қўшилларим жуда яхши одамлар. Улардан нолисам, ношукрлик бўлади. Ҳар доим атрофимдалар. Лекин барибир ака-сингилнинг ўрни бошқача бўларкан. Мен буни чуқур ҳис қиламан. Қанийди, иложи бўлса ёнгинамда битта опам ёки укам бўлса», - дея армон билан сўзлайди.

Кек сақлаш-катъийлик, бир сўзликлик эмас, қайсарликдир. Сўзларим аччиқ бўлса-да, очигини айтмоқчиман. Кибрга берилманг, такаббурлик қилманг! Кексайиб қолган муштирап онангизни, ҳокисор онангизни ноўрин ранжитманг.

Арзиманган сабаб туфайли ўз отаси билан узоқ йиллар борди-келди қилмаган танишим-аёл отанинг маъракаларида хўнграб йилгаб, бошини эгиб ўтирарди. У раҳм-шафқатга лойиқ эмас. Ўша қилиги билан у аллақачон яқинларининг нафратига учраган эди.

Сарвиноз! Сиз аёл кишисиз. Аёллар, оналар ҳақида гап кетганда, "бағри кенг, қалби юмшоқ" сифатлари бежиз айтилмайди. Кек сақлашнинг ҳам чеки бор. «Меҳр-кўзда» деганларидек акангизга нигоҳингиз тушганда, саломлашганингизда қалбингиз юмшармиди?!

Қон-қариндошлик, меҳр-оқибат туйғулари бизнинг миллатимизга хос фазилат. Сизнинг ҳам фарзандларингиз бор. Опа-акаларга бемехр, оқибатсиз бўла туриб, ўғил-қизларингизни қандай руҳда тарбияламоқчисиз? Болаларингиз бир кун келиб хола-ю тоғалари, қариндошлари ҳақида сўраб қолишса уларни ҳам жеркиб ташлайсизми?! Ана шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўрсангиз яхши бўларди.

Муборак ЖУМАОБЕВА,
Хоразм вилояти,
Хонқа тумани.

Мақолани ўқиб мен ўзим гувоҳ бўлган воқеаларни эсладим.

Наргиза қўшини, болалигидан европача тарбия олганди. Бу қиз икки-уч йилдирки, эскичага ихлос қўйди. Яқинда синглисининг ўғли бетоб бўлиб, бошига қийинчилик тушибди. Опадан-яъни Наргизадан пул сўрабди.

Наргизанинг асраб юрган пули бор экан. Бир аёлга: «Менга ҳамроҳ бўлиб меҳмондорчиликка бориб-келинг», - дея синглисининг уйига олиб борибди. Сўнг: «Мана, бу пул қўшимники, қарзни кейин фоизи билан тулайсан», - дебди ҳамроҳини кўрсатиб. Синглиси унинг барча шартларига рози бўлибди. Қўшни аёл юз бераётган воқеадан лол, тили қалимага келмасмиш.

Вақт ўтиб Наргиза синглисининг уйига бориб, жанжал кўтариб, бор-будини соттириб, ўша пулни фоизи билан ундириб келганини қўшни аёлларга чиқиб мақтанибди. Бу воқеа маҳаллада анча гап-сўз бўлди.

Қаранг, қанчалар юзсизлик! Пул жигардан азиз бўлдимми? Ё озгина қийинчилик даврида меҳр дегани қаҳатга айланаптими?

Бу беш кунлик дунёда одамдан одамга фақат яхшилик қолади. Ўша опасио, укасини волидаи мухтарамаси - онаизори билан эшикдан қувиб солган аёл ҳам бугун бўлмаса, эртага пешонасин деворга урилганда кўзлари "ярқ" этиб очилади. Афсуски, унда гишт қолипдан кўчган бўлади. Пиёла дарз кетса, албатта ўрни қолади. Инсон кўнгли гулдан-да нозик, уни ҳеч нарса билан ямаб ҳам, чегалаб ҳам бўлмайди.

Бас, шундай экан, азиз онажонларимиз, жондек жигарларимизга бўлган меҳримиз қаҳрга айланмасин, оталаримиз дуосини олайлик! Синглим! Сиз ҳам онангизни норизо қилманг! Акангиз билан ярашинг.

Ф.ТОХИРОВА

БУ БАЛОГА ЯҚИНЛАШМАНГ!

"Бир оғиз ширин сўз" 24-сон



ЭСАЛТМА: Ёнаётган аёл ҳовли ўртасида юрак-бағрини тилка-пора қилиб дод соларди. Шу лаҳзаларда унинг хаёлидан нималар кечаётган экан. Уни бу ўқдан қайтаршга уринмаган, бир оғиз ширин каломини раво кўрмаган бемехр, қаттол эр нима қиларини билмай қотиб қолган. У энди нима қилади? Келажакда болаларининг кўзига қандай қараркан?

Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам жаҳл-ҳиссиётларга эмас, ақл-идроқига таяниши зарур. Қолаверса, жамият ва шароит қонун тартибларига биноан ўз жонига қасд қилиши мумкин эмас.

Муаллиф: Ж. ИСМОИЛОВ.



Бу мақоладаги 3 нафар қоракўзи бор аёлнинг ўзига ўт қўйганини мен ҳам қилолмадим. Унга паст назар қараган эрдан шу йўсунда ўч олиш-ақли бутун инсоннинг иши эмас. Нега фарзандларини ўйламади? Уни чумолича қадрламаган эр, тирмолига ҳам арзимаслигини тушуниб етганда, бундай қилмаган бўларди. Сенга ўзини қалқон қилган кимсага жонингни ҳам берсанг арзийди. Лекин камситан, хўрлаган махлуққа эмас. Ўша йигитга айтар гапим: "Сиз тоғ эдингиз, рафиқангиз-пойингиздаги ер эди. Уни менсимадингиз, унинг бағридан униб чиққан чечак - фарзандларингизни ўйламадингиз. Энди у йўқ. Сиз тоғлигингизга муаллақ қолдингиз. Бошингизни қайси сайёрага урманг, 3 та фарзандингиз бир умр уни эслатиб туради. Сиз эса виждон азобида бир умр қийналасиз. Ёлғондан бўлса ҳам бир оғиз ширин сўз айтиб, қўлидан ёқилганини, гугуртни олганингизда, осмон узилиб тушмасди. Эси бор эркак хотин билан ўчақиймайди. Аёлга эркакнинг амалу мансаби, мол-дунёси, қўша-қўша уйлари, машинаси эмас, бир жумла кўнглини кўтарадиган сўзи керак! Сизни еру қўкка ишонмай жонини пойингизга тўшайди. Уни таққирласангиз, хўрласангиз ўзини кўярга жой тополмайди. У ҳаммиша бир елгага бош қўйиб яшашни хоҳлайди.


Бировдан ўч олиш учун ўзинга ўт қўйиш ўта тубанлик. Дунёда учта балонинг биттаси-ўт. Бу балога яқинлашманг. Ундан барчамизни худонинг ўзи асрасин.

М.ТЕМИРОВА

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Азиз синглимиз ҲАМИДА БОНУ!
Сизни таваллуа кунингиз билан табриклаб, бахту-саолат, узоқ-умр тилаймиз. Оилавий бахтингиз олтиндан бўлсин!
Барча яқинларингиз номидан
Иброҳим Аҳсам



Ҳурматли сафдошмиз, одалий аскар МАЖИДОВ Давлат Бахтиёрвич!
Сизни таваллуа кунингиз билан чун дилдан табриклаймиз. Доимо соғ бўлиб ватанимизга содиқ посдон бўлиб юринг.
77692 - Ҳарбий қисмадаги хизматдошлари.

Опажоним МУҲАББАТХОН!
Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман. Соғлик, омад ва ижодий баркамодлик тилайман.
Дилобар Худойбердиева, Навоий вилояти.

Меҳрибон адажонимиз ИСМОИЛЖОН ва онажонимиз ЗАҲРОХОН!
Таваллуа кунларингиз муборак бўлсин! Сизларга узоқ умр, бахтли ҳаёт тилаймиз!
Қудаларингиз, қизларингиз, невараларингиз номидан ўғлингиз Исҳоқ Бек

Дилкаш улфатимиз Ёқубжон САЙДАЗИМОВ!
Таваллуа айёмингиз муборак бўлсин. Сизга бахт ва соғлиқ тилаймиз!
Асамулло

Тоғажоним Неъмат ХОТАМОВ!
Сизни туғилган кунингиз билан қутлаймиз. Узоқ-умр, соғлиқ, ишларингизга омад тилаймиз.
Опангиз Норжон, янгангиз Бахтиёр ва жияналарингиз

Фарзонамиз Шоҳидёр ФАНИЕВ!
Сени 15 ёшинг билан қутлаймиз. Бахтимизга доимо соғ-саолат бўл. Алаанг Нуриддин, ойинг Муборак, синглинг Юлауз. Оққўрғон тумани.

ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази кизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.

Ўқув муддати 2 ойлик курслар
• Бичиш-тикиш • "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш • Бисерлардан бойдаланиб тикиш • Бошланғич компьютер билмлари (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш • Сартарошлик • Косметология • Маникюр-Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси-Кандалатчилик-олий курс.

Ўқув муддати 3 ойлик курслар
• Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш • Юмшқўй ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.

Ўқув муддати 4 ойлик курслар
• Массаж ва уй ҳамширалиги • Бичиш-тикиш (Бошловчилар учун) • Машинада гул тикиш (вишивка).

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.
Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси. Фуркат кўчаси, 1 уй. Мўлжал: Республика спорт қўмитаси. Тадбиркорлар палатаси, 2 кават, 202 хона, 413 хона.
Телефон: 45-18-42, 29-28-58.

"UMID va ISHONCH" Тиббиёт маркази куйидаги мутахассис-дишлар бўйича хизмат кўрсатадилар:
Жарроҳ, жарроҳ-косметолог, уролог, дерматолог, гинеколог, төралевт, кардиоолог, невропатолог, ЛОР, педиатр, укаловчи, ҳамда УТ диагностика, ЭКГ (компьютер ўқиш), биохимик анализларни, физиотерапия ва гидромассажа ванна ва бошқалар. Шу билан бирга бизнинг марказда бўлажак келин-куввлар учун 10% чегирмали консултация ва диагностика усуллари олиб борилади.

БИЗ СИЗНИНГ ЧИРОЙИНГИЗ ВА СОГЛИГИНГИЗ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!
Манзил: Тошкент шаҳри, Бешёғоч массиви. Тел: 45-07-42, 45-07-72

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ
ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУГИ БЎШ ҲҒИЛ ВА КИЗ БОЛАЛАРИНИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.
Бўйрак, қовуқ, простата бези касалликларини ДАВОЛАЙДИ.
Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангоҳ маҳалла)
Мўлжал: Метронинг F. Фулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача
Шанба кунлари 9:00-11:00гача

Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергия, буйин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги томонидан яққа тартибда Чорсу буюм бозорида фаолият кўрсатадиган тадбиркор Ишматова Шоҳида Джўраевнага берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!
Малакали шифокор, табиий, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дори ёрдамида **простатит, аденома, бепуштлик, потенция пасайиши** хасталикларидан ҳамда **хламидия, уреаллазма** каби инфекциялардан ҳам тезда шифо топишга ёрдам беради.
Мурожаат учун тел: 112-12-86. 10.00дан 18.00гача.

АЁЛЛАРНИНГ ЖИДДИЙ ХАСТАЛИГИ
Бачадон миомаси асосан мусбулишига сабаб бўлади. Бу кул ва бириктирувчи тўқимадан ўсиб чиқадиган ўсма ҳисобланади, қорин бўшлиғида, шиллиқ парда остида, бачадон девори ва бошқа йўналишларга қараб ўсари. У туғиш ёшидаги ва климактерик ёшидаги аёлларда учрайди. Бачадон миомаси ҳеч бир аломат бермай ўсиб боради ва тўсатдан маълум бўлади. Унинг ҳар хил клиник белгилари бор. Анемия, оғриқ бўлиши, қовуқ ва ичак фаолияти бузилиши мумкин. Миома авж олиб бораётганида турли асоратлари сезилади ва кейинчалик хавфли ўсмага айланиб кетиши ҳам мумкин. Миома ўсиб бориб, бачадоннинг қисқариб туришига, бачадон бўйни канали орқали миоматоз тугуни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу оғриқ ва қон кетишининг зўрайиши билан бирга ўтади. Бундай беморларнинг ҳаммаси диспансер кузатуви остида бўлиши, ҳар уч ойда бир марта текширишдан ўтишлари керак. Ўсма тез ўсиб, катталашганда жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Шу боис ёшидан қатъий назар ҳамма аёллар албатта акушер-гинеколог текширувидан ўтиб туришлари зарур.

"Umid va ishonch" марказининг гинеколог шифокори Пак ЭЛЬМИРА

Хурматли мухлислар! «Оила ва жамият» газетаси обуначилари учун (квитанция кўрсатилгач) ушбу марказ шифокорлари бир марталик бепул ташхис қўйиб берадилар ва даволаш ҳақи арзонлаштирилади.

Раҳматлик аягинамни "Саидахон отин" дейишарди. Бўлажак кўнглисизлик ҳам, қувончли ҳол ҳам тушларидан аён бўларди.
Бир кун эрта тонгда: "Турсунова холангни (маҳалладагилар бу аёлни фамилияси билан аташарди) кўриб чиқай", - деб, кўшнимизникига чиқиб кетдилар. Келган: "Кизларини фафлатда қолмасин-да, бечора дугонанинг", - дея қўзларига ёш олдидилар.
Кўп ўтмай, Турсунова хола оламдан ўтдилар. Шундангача аям 2 кун илгари кўрган тушларини айтишга жазм этдилар: Тушларидан кўшнимизнинг ҳовлиси оппоқ қорға бурканган, уйдаги нотаниш аёллар ҳам оппоқ кийимда эканлар. Анча пайтдан буён касал ётган Турсунова хола бўлса, уларнинг олдига чиқиб, икки кўли билан оғзини маҳкам ёпиб олганмиш...



киради. Сиз бошқа, шаҳарларга бориб қидириб, қийналиб юрманг. Эрингизни болаларингиз билан уйда қутинг", - дедилар. Аёлни эри "Тошкентда ишлаб келаман", - деб, 5 ойдан буён бедарак йўқолган экан. Қидиртирмаган жойи қолмабди. Ахирини Россиядаги ўртоқларидан суриштириш учун аёл йўлга отланган экан. Унинг топилиши эса аямининг тушларида аён бўлибди: аёлни эри узун ип ўтказилган игна билан кийимларини тикиб, қолган ипни хотинига олиб келаятганмиш. Қўлида бир сумка анор бор эмиш. «Ип-масофа, игна билан кийимни тикаётгани-мушкуллардан озод бўлиш. Анор эса ризқу давлат», - дедилар аям.

ОЛДИНДАН АЁН БЎЛАРАДИ



Бу тушни олдиндан ёмонликка йўйишни истамаганлари учун аям қимга айтмабдилар. Кейин эса... айтишларича, тушдаги қор, совуқ кун, гап олиб келаркан. Одамнинг ўз кўли билан оғзини ёпишибу дунёдан ризқи тугаганига ишора экан...

Яна бир кун аягинам шаҳар чеккасида яшайдиган таниш аёлни телефон орқали уйга чақирдилар. Ўрта ёшлардаги хушбичимгина жувор кечга томон ҳовлимизга кириб келди. Аёлга чой-нон қилгач, аям гап бошладилар: "Болам, худо хоҳласа хўжайинингиз эрта-индин ўз оёғи билан уйга келади. Уйингизга у билан бирга давлат ҳам

САНОВАР, Шахрисабз.

Об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотига қараганда республикамизда ҳаво кам булутли бўлиб, ёгингарчилик кутилмайди. Шамолнинг тезлиги кучаяди. Ҳарорат кечаси 20-25°, кундузи эса 37-42° бўлади. Жанубий ҳудудларда эса, 43° гача иссиқ бўлади.

КЎЙ (21.03 — 20.04). - Шу ҳафтада мўмай даромадга эга бўласиз. Душанба кунини хушхабар эшитиб хурсанд бўласиз.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Касбий фаолиятингизни бўшаштирмаган. Шанба кунини мириқиб дам олишга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Бироз сабрли бўлиб, муаммоларингизни қизиқлиқ ҳал қилиш чорасини кўринг.

ҚИСҚИЧБАКА (22.06 — 22.07). - Сешанба кунини бўлган воқеа тўғрисида ўзингизга ишончингиз ортади. Омадли кун шанба.

МУНАЖЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Ёру-биродарларингиз билан ширинсўз бўлинг. Уларга зарур бўлганда ёрдам беринг.

БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Ҳар қандай вазиятда ҳам ростгўй бўлишга ҳаракат қилинг. Шу боис чоршанба кунини ютиб чиқасиз.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Каттагина ютук эгаси бўлишингиз мумкин, бироқ бу сизнинг касбий маҳоратингизга боғлиқ.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Ҳафта давомида ўзингизга маъқул бўлган уй-рўзгор буюмларини харид қилишингиз мумкин.

БАШОРАТИ

ЎҚОТАР (23.11 — 21.12). - Оила аъзоларингиз билан табиат бағрида дам олинг. Лекин, албатта соғлигингиз ҳақида ҳам қайғуринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Кўнгли берган инсонингиз олисдан қайтиб келади. Сиз дилингдаги гиналарни унутиб уни хушхал қутиб олинг.

ҚОВГА (21.01 — 18.02). - Кейинги пайтларда таянглигингиз панд бераятти. Кайфиятингизни яхшилаб, ҳаётдан қувониб яшашга ўрганинг.

БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Сизни диққат қилган муаммолардан қутулиб, эркин нафас оласиз. Аммо, соғлигингизга жиддий эътибор беринг.

Тоштемир тоға далада сувчи бўлиб ишлади. Узи соддадил инсон. Турмуши ҳам ўртамаёна. Рўзгорига ҳаром аралаштирмайди. Хотини Зулфияхон аяни зукко аёл дейишади. Улар беш қизни вояга етказиб, узатишди. Қизлари борган жойида бахт топишиб, ота-онасига раҳмат олиб беришяпти. Оилада фақатгина кенжа қизи Хулкар қолган.

У шўх-шодон, жиндай эркарор бўлиб улгайди. Унча-мунча йигитга гапини бермайди. Тоштемир тоға эса Хулкарни оғир-босиқроқ йигитга узатишни хаёллайди. Оилада биттаси олов бўлганда, биттаси сув бўлмаса, турмуш қуриб бўлмайди-да. Бироқ Тоштемир тоғанинг уйлаб юрган мўлжали амалга ошмай қолди. Пешона экан-да, Хулкарой ўзидан ҳам кўра шўх-шодонроқ йигитга турмушга чиқди. Бу воқеа қуйидагича содир бўлди.

Кунларнинг бирида Хулкар анҳор бўйидаги кўчадан тўйга кетаётган эди. Ундан ўттиз қадамча орқароқда бир тўп йигитлар ҳам тўйхона томонга боришаётганди. Бирдан дайди шамол туриб, Хулкарнинг бошидаги рўмолини юлқиб учириб кетди. Рўмол анҳор сувига тушди. Йигитлар бир-бирларига қарашиб, нима қилишларини билмай туришганда, улар орасидан Тўлқин исмли йигит уйланиб ҳам ўтирмай, уст-боши билан ўзини сувга ташлади.

Тўлқин рўмол томонга сузиб, уни ушлаб қолди. Анҳорнинг суви жуда совуқ эди. Йигитлар Тўлқинни сузиб-суза олмаб қолганини кўриб, кўрқиб кетишди. Бироқ у рўмолини кўлдан чиқармай, бир амаллаб кирғоққа сузиб чиқди. Жўралари қўл узатиб, уни тортиб олишди. Совуқдан Тўлқиннинг тиши какирлаб қолган эди. Шундай бўлсам, у уст-бошидан сув оқиб турган ҳолатда рўмолини Хулкарга узатди.

Ҳаяжонини яширолмаб турган Хулкар рўмолини олиб: "Раҳмат!" деди-ю, тез-тез тўйхона томон йўл олди.

- Ақлинг жойидами? Битта сим рўмолни деб, чўкиб кетсанг нима

бўларди? - деди Тўлқиннинг ёнида турган ўртоқларидан бири.

- Киз боланинг рўмоли оқиб кетгунча, менинг чўкиб кетганим яхши, - жавоб қилди у. Сўнг жўраларини ҳайрон бўлиб қолишганини кўриб қўшиб қўйди. - Киз боланинг рўмоли оқиб

- Аввало борган жойингда бахт топ қизим. Сенга айтганим олтига насиҳатим бор. Шуларга амал қилсанг, сендан бир умрга розиман. Аввало шовилмай ақлингни ишлат, гап ташима, бардошнинг тоғдай бўлсин, олтин-кумушга берилма, ҳеч нолима, борган

Ўғли қамоқда ётса-ю, онаси қизғиш кўйлаб кийиб олибди, дейишмасмикин?

- Майли бошқасига алмаштириб чиқа қоламан. Чевар жайтга сотилиб кетар, деб уйига тўлдириб қўйлаб тикиб қўйибди. Ранги қанақасидан бўлсин?

- Сал кулрангроқ бўлса ҳам майли. - Ҳўп ойижон.

Чеварнинг ҳовлиси тўртта эшик нарида. Сал ўтмаёқ Хулкар қўлида дуррага ўралган қўйлаб билан қайтиб чиқди.

- Мана, ойижон. Ўзингиз айтгандай салгина кулрангидан танлаб чиқдим. Мўтабархон ая ёстиқдан бош кўтариб шундай деди:

- Жуда кулранг экан. Буни қийсам, одамлар ўғли қамалиб, аза тутиб қолибди, дейишмасин. Ҳар томонни ўйлайман-да, қизим.

- Ҳа, майли. Салгина оқишроғидан олиб чиқаман.

Хулкар қўйлакни бошқасига алмаштириб чиқди. Буниси ҳам Мўтабархон аяга маъқул бўлмади. Хулкар қўйлакни дуррага ўраб, яна бошқа рангидан топиб чиқди. Буниси ҳам Мўтабархон аяга маъқул бўлмади... Хулкар олтинчи бор чеварнинг олди-га чиқиб кетаётганда, қайнонаси уни тўхтатди.

- Мана бу ерга ўтиринг, қизим. Сизга битта айтганим гапим бор. Аслида биринчи олиб чиққан қўйлагингиз менга ёққан эди. Лекин ўғлим йўқлигида келиминг феъл-атвори ўзгариб қолмадимикин, деб сизни синамоқчи бўлгандим. Қўйлакни беш марта алмаштириб чиқдингиз, аммо бир мартаям "ўх" тортмадингиз. Агар шундай қилганингизда, қалбимга баттар ўт кетган бўларди. Отангизга раҳмат, қизим!

Қаранг, инсондаги барча яхши фазилатлар, ҳалолликдан, камтарликдан вужудга келаркан. Одамийликка етadиган фазилат эса, бу дунёда топиладмас экан. Қачон Тоштемир тоғанинг қизи Хулкарни кўрсам, ана шундай одамийликни ва баррикенгликни ҳис қилгандай бўлавераман.

РЎМОЛ ОҚИБ КЕТМАДИ



жойингдаги одамларнинг қадрига ет!

Тўй олдида берилган бу насиҳат Хулкарнинг онгу шу-урига маҳкам ўрнашиб қолганди. Шу боисданми Мўтабархон аянинг ёлғиз ўғлидан кутган орзу-армонлари ушала бошлади. Учта набирала бўлди. Келини билан шунақаям иноққи, маҳалладагилар, Тоштемир тоғанинг яна қизи бўлганда, биз ҳам келин қилардик, деб орзулашди. Лекин ҳаётнинг ачқикроқ синовлари ҳам бўлиб турар экан.

Тўлқин болаларига нафақа тўламай қочиб юрган бир муттаҳам ҳамқишлоғининг ақлини киритаман, деб чакдаки иш қилиб қўйди. У ўн саккиз ой муддатга қамалиб қолди. Мўтабархон ая эса ғам чекиб, касалланиб ётиб қолди. Хулкар қайнонасининг атрофида парвона.

- Кўп койинманг, ойижон. Қамалганлар ҳар йили авф этиляпти. Худо хоҳласа ўғлингиз ҳам бир йилга қолмай қутулиб чиқади. Мана бу қўйлакни кийиб олинг. Ҳайитга янги қўйлаб кийсин, деб атайлаб олиб чиқдим, - деди бир куни келини.

Мўтабархон аянинг кўнглига қўйлаб сизгармиди. У келинининг кўнглига қараб қўйлакни кўлига олди-ю, унга синчиклаб боқди.

- Менга жиндай ранги тўри келмасов, қизим.

кетса, бахтиям оқиб кетади, деб зшитганман.

Мана шу воқеа Тўлқин билан Хулкарнинг тақдирини гўё бир-бирига боғлаб қўйди. Тўлқин шу кишлоқлик Мўтабархон аянинг ёлғиз ўғли эди. Мўтабархон ая тул қолиб, бошқа рўзгор қурмай, ёлғиз ўғлини вояга етказди. Хуллас, Мўтабархон ая Хулкарга совчиликка борди.

Тоштемир тоға, совчиларнинг биринчи келишидаёқ розилик берди. Чунки Тўлқиннинг "қиз боланинг рўмоли оқиб кетгунча, менинг чўкиб кетганим яхши" деган гапи унинг қулоғига ҳам етиб келганди.

Тоштемир тоға бешта қизига айтган насиҳатини кенжа қизига ҳам айтди.

Йигитнинг онаси гапининг охирида шундай деди:

- Ҳамма айб қизнинг онасида. Қизига тарбия бериш у ёқда турсин, оддий юмушлар-

кетмаслигига ҳарчанд уринмасин, фойдаси бўлмади. Тугилажак боланинг тақдирини билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Молпарас-тлик балоси келинчакни ота ва онасининг кўзини кўр, дидини ўтмас қилиб қўйганди. Уларнинг бири қўйиб, бири қизининг сепларини бут қилиб узатишганини, кувёчқирдига юз минг сўмга туфли олишганини бот-бот таъкидлашаётганди. Кувёвнинг ота-онасини эса пасткашдан олиб, пасткашга солишаётганди. Уларнинг гапларига қараганда, қизни меҳнатсевар, бардошли қилиб тарбиялашдан кўра, унинг тўй сепини бутлаб бериш муҳимроқ экан. Иккиси шунча майда гаплардан кўра келинчакка оиланинг муқаддаслиги олдида битта узукнинг кўзи ҳеч нарсага арзимаслигини тушунтириб қўйишса, олам гулистон эди-ку? Келинчак покизаликни жойига қўйса, рўзгорга барака киритиш учун тиришса қандай яхши.

Кувёвнинг оёғи сассиқ эмиш. Шу гапни жанжал даражасига кўтариш келиннинг фаросати ночорлигини кўрсатиб турибди. Демак, унинг оёғи терлар экан. Шундай бўлгач, келин дарҳол тоғорада сув олиб келиб, "Оёғингизни ювиб олинг" деса, кифоя-ку? Мана шу оддийгина миллий удумимизни билмайдиган келиндан яна нима куттиш мумкин?

Кувёвга келсак, йигирма тўрт ёшга кириб, сигарет чекишни, ароқ ичишни ўрганибди-ю, биронта касб ёки хунарни эгаллашга қўнги етмабди. Унинг ота-онаси ҳам фарзандининг касб-кори ҳақида қайғурмабди. Олаҳуржун бўйнига тушса, бирор йўлни топиб олар, деган илинжда уни уйлантириб қўйишибди. Ўғил боланинг юрагига ўт қалаш, уни

бирор касбга қизиқтириш — ота-онанинг бурчи-ку? Фарзанд аини навқирон ёшида бирор жойда ёлчи-ти ишламаса, ҳаётнинг аччиқ-чучугини қайқдан билсин. Меҳнатга бўйин эгмаган одамнинг маънавияти ночор бўлмай, нима бўлади?

Яна бир нарса бизни таажубга солди. У ҳам бўлса фарзандлар камалига лоқайд қараш ва юзак муҳаббатларнинг кўпайиб бораётганидир. Кўрмагани кўргани курсин, деганларидек каттазанглик айрим оилаларнинг маънавиятини кемирмоқда. Бунга юқоридаги воқеа мисолида қарайдиган бўлсак, қизининг турмуши бузилган ота-она, бундан ўзларига ҳеч қандай хулоса чиқариб олишни хушлашмайди. Уларнинг бирдан-бир ташвиши битта — оилада тиниб-тинчиб кетмаган фарзандини эридан ажратиб, уйланмаган йигитга узатишдан иборат бўлиб турибди. Боринг-ки, уни уйланмаган йигитга узатишди ҳам дейлик. Бирок турмушининг қадрига етармикин? Негаки келинликнинг бурчи ҳақида тасаввур тор бўлса, бошқаси билан ҳам қандай турмуш қуради? Чунки аёл кишида сабр-бардош, меҳнатсеварлик фазилати бўлмаса, бахт унга қайқдан келсин?

Ота-оналар фарзандларига ўтмиш авлодларимиздан мерос бўлиб қолган буюк хислатлар - меҳнатсеварлик, камтарлик, ҳалоллик, хуш-хулқлик, қаноатлилик, одамийлик фазилатларини сингдиришлари жуда жуда зарурдир. Токи улар, муҳаббат дегани икки ёшнинг бир-бирига жилмайиб қарашидангина иборат эмаслигини, балки муҳаббатнинг замирида вафо, садоқат ётганилигини тушуниб етишсин.

К. НИШОНОВ. Андижон шаҳри.

ҚИССАДАН ҲИССА

Суд ишида бир ёш оиланинг тақдирини ҳал қилинаётганди. Қаранг-ки, кувёв билан келин бир-бирини севишиб турмуш қуришган экан. Етти ойгина рўзгор қилишибди. Битта узукнинг қизи сабаб бўлиб, ораларига совуқчилик тушибди. Аникроғи келинчакни никоҳ узугининг ёқут кўзи йўқлиб қолибди. У узукнинг кўзини ақиндагина кувёвга узатилган қайсинглисининг бармоғида кўрганмиш.

Бор гап ана шу холос. Келиннинг гумони шундайки, кувёви унинг узуги кўзини яширинча синглисига ҳада қилиб юборган. Машмаша зўрайиб, охири ёш оиланинг барбод бўлишига олиб келганди. Демак иккиси орасидаги муҳаббат шу битта узукнинг кўзига арзимас экан. Етти ой илгари бир-бирининг дийдорига ташна бўлган икки ёш, бир-бирининг устига бемалол магзава ағдаршаётганди.

Бу ёқда ота-оналарнинг асабийлашувини айтмайсизми? Улар ҳам ўз фарзандларини ҳимоя қилиш йўлида бўш келадиганлардан эмасди. Нима ҳам дердик. Олақарга ўз боласини "оппоғим", типратикон эса, "юшоғим" деркан. Келин томондагилар кувёвга шундай айб қўйишди: "Бирон жойда ишламайди, сигарет чекади, ароқ ичади, оёғи сассиқ, онасининг измидан чиқмайди. Узукнинг кўзини синглисига ҳада қилиб юборган, келинчакни бир шапалоқ урган..."

Кувёв томондагилар ҳам қараб туришармиди. Улар ҳам келиннинг айбини қаторлаштириб ташлашди: "Эринчюк, унинг ахлатини гиламининг остига супуриб қўйиб, ўтираверди. Етти ойда икки марта нон ёпиб, икки марта сигир соғди. Хатто пиёз ўташни билмайди. Қўшниларга гап сотиб, кунни кеч қилади..."

ГУНОҲ НИКОҲ



УЗУГИДАМИ?

ниям ўргатмаган. Гапни катта гапирди, қўлидан ҳеч қандай иш келмайди. - Ҳамма айб сенларда, - деди келинчакнинг аяси. - Сендақа пасткашларга тушиб қолган қизим йўқ. Никоҳ узугининг кўзини чиқариб олишга уялмайсанларми? Мана кўрасанлар, қизимни худо хоҳласа уйланмаган йигитга бераман. Бундай майда гаплардан ҳаммининг энгаси қотди. Келинчак ҳомилдор экан. Суд раиси бу ёш оиланинг бузилиб

Муроджон ўша куни ишдан яна ширакайф бўлиб қайтди. Бу пайтда Гулноза диванда уни кутиб мудраб ўтирганди. Хонтахта устида қалин дастурхонга ўралган таом,

КИЗЛАР



бир нечта сомса, чойнакда совуброқ қолган чой.

- Буларни йиғиштир, мен овқатланганман, - деди Муроджон.

Сўнг кийимларини ҳам алмаширтмасдан ичкари уйга йўналди. Гулнозанинг дили оғриди. "Муомала дегани ҳам шунақа совуқ бўладими? Кейинги вақтда кўп ичяптилар. Тавба, бинойидек яшаш келаётгудек. Ширин турмушимизга кўз тегдими, ё..."

Буниси ҳали ҳолва экан. Муроджоннинг эрталабки гап-сўзлари ҳаммасидан ошиб тушди.

- Мен бугун кеч келаман, кечкурун тўйга борамиз, - деди у қувелигидаги қора костюмини кияётди.

- Кимнинг тўйи? - кизиқиб сўради Гулноза.

- Нилуфар турмушга чиқапти! Гулноза лабини тишлади. Ўша киз... Илгари Муроджонни анча вақт яхши кўриб юрган экан у. Бунги Гулноза тўйдан кейин қўшни келинчақдан эшитиб қолган. Ҳозир шу гап ёдига тушиб, кўнглида рашк уйғонди. Муроджонга аламли боқди:

- Ҳа, шунинг учун нукул ичаётган экансиз-да? Севгилингиз узатилаётганини ўйлаб, ўзингизни қаёққа кўйишни билмай қолдингиз, тўғрими? Ўша тўйга бормаисиз!

- Бораман! Сенга нима?! - Сизга ҳозир гап ўқитиб бўлармиди? Боринг, борақолинг! Ўшани... Охирги марта кўриб қолинг!

Муроджон тутакиб кетди. Гулнозанинг ёнгинасига келиб қаҳр аралаш деди:

- Ҳей, менга қара! Ўша киз мени севсам индамасдан юрган, билдингми? Сенга ўхшаш "Яхши кўраман", деб хат ёзмаган!

Гулноза устидан худди бир челақ совуқ сув қуйилгандек сесканиб кетди. "Хамма гап бўёқда экан-да! Қаёқдан ҳам ўша хатни ёзгандим-а?!" Ахир ўшанда Гулноза Муроджонни қаттиқ севиб қолган, келинойиси: "У йигит анча тортинчоқ, яхши кўргангизни секин билдириб қўйинг-да. Тагин бошқа кизга кўнгли қўйиб юрмасин", - деганидан сўнг тонгача ўтириб, йигитга "ишқ мактуби" ёзганди. У маҳаллар Гулноза анави киз ҳақида ҳеч нарса билмасди. Мана энди бўлса... Афсус!

Айни пайтда адоқсиз изтироблар Гулнозага ҳеч тинчлик бермасди...

Агар атрофимизга назар ташласак, Гулнозанинг ҳолатига тушиб қолган сингилларимиз ҳам йўқ эмас. Лекин аксинча бўлиши мумкин. Яъни, севгисини ўз вақтида маълум қила олган қизнинг кейинчалик бахтли турмуш кечир-

ганини ҳам кўп бора кузатганмиз. Барибир, мана шу икки ҳолат кишини ўйлаб, мулоҳаза қилишга ундайди. Ҳўш, киз бола биринчи бўлиб севгисидан сўз очса бўлармикин?

- Севиб қолдингми, шартта бориб йигитга бу ҳақда айт! Нима, бу айбми? - дейишади баъзи

мушга чиқиб кетишди, ҳаммаси бири бахтли-тахтли... Мен эса ҳамон оилали бўлганим йўқ. Энди ўйласам, ўшанда ўзим севган йигитни эмас, ўз бахтимни қувиб солган эканман! Очик-сочик, журъатли кизларга ҳавасим келади. Севгисидан айрилиб, танҳо яшагандан кўра, ўша

"ИШҚ МАКТУБИ" ЁЗСА

(Бу уят саналмасин!)

бир кизлар.

- Йўғ-е, "севаман" деган сўзни аввало киз бола тилга олса... Бу бироз ғалати туюлмасмикин? - дейди айримлари.

Манбаларда келтирилишича, қадимда муҳаббат изҳор қилишнинг турли усуллари бўлган. Масалан, бўз йигитлар суйган қизлари яшайдиган ҳовлига гул узиб отишган. Шунда киз девор оралигидан мўра-лаб йигитнинг кимлигини билиб оларкан. Ёки айрим йигитлар қип-қизил олмага бирор белги қўйиб, қизнинг ҳовлисидан ўтадиган ариқдан оқишишган. Демак, қадимда киз бола туғул, ҳатто бўз йигитлар ҳам ўз севгиси ҳақида оғиз очишга истиҳоло қилишган экан!

Кўпинча, "севги ҳақида очик-ойдин айтиш кизлар учун уят, бу ўзбекона урф-одатларимизга тўғри келмайди", деймиз. Ўйлаб қарасак, шу мулоҳаза замирида ҳақиқат бор. Негаки, айрим ўринларда киз бола андишали, одобли бўлгани дуруст. Лекин, масаланинг бошқа жиҳатиям бор...

Бундан анча йиллар муқаддам - журнал тахририятида ишлаб юрган кезларимда узоқ вилоятдан хат олдим. Нотаниш киз ўз мактубини шундай сўзлар билан бошлаганди:

"Мен қишлоғимиздагиларнинг табири билан айтганда, "энг оқила киз" эдим. Чунки, беҳуда кўчага чиқвермасдим, дугоналарим ясан-тусан қилиб даврама-давра юришганида, мен уй юмушларини бажариш билан банд бўлардим. Кейинчалик бошқа кизлар каби мен ҳам синфдош йигитлардан ишқ изҳорлари битилган мактублар оладиган бўлдим. Бирок, ўша мактубларнинг бирортасини ҳам ўқимасдан йиртиб ташлардим. Қизлар йигитлардан сўз очса, терс ўгирилиб олардим. Гўёки, уларга қўшилсам, одобсиз кизга айланиб қоладигандек... Йиллар ўтиб ўзим ҳам бир йигитни ёқтириб қолдим. Туну қун унинг хаёли билан яшардим. Севгим ҳақида унга оғиз очсаммикан дердим, лекин... "У севгим ҳақида билмаслиги керак!" деган андиша турарди. Хуллас, ўша йигит ортимдан эргашганида ҳам мен ҳақорат сўзлар айтиб, уни ҳайдақ соладиган бўлдим. Ниҳоят у кетди. Кейин умуман мени ҳеч қим сўраб келмайдиган бўлди. Дугоналарим ўзлари севган йигитларига тур-

кизлар каби таваккалига иш тутган маъқул экан..."

Мактуб эгаси - нотаниш киз бир пайтлар "андишали" бўлгани учун энди ўқинади.

Мақоламиз бошидаги воқеа қаҳрамони - Гулноза эса бир вақтлар "шошқалоқлик" қилиб севгисини йигитга очик айтганидан афсусда...

Ҳўш, ким ҳақ, ким ноҳақ?

Аслида севги — гўзал туйғу. У қай бир қизнинг кўнглига кириб келган экан, бу учун уни табрикламоқ лозим. Бировга муҳаббат қўйган қизнинг кўзларига олам чиройли ва сирли бўлиб кўринади. Шундай экан, ҳис-туйғуларни жўш урдириб, қалбни тўғёнга солган муҳаббатни эгасига қай тахлит етказмоқ лозим? У ошқора айтилса киз уятсиз саналар?! Андиша қилиб, айтмаса, севгисидан жудо бўлади?! Гап қизнинг тақдир устида кетаётган вақтда нима тadbир қўллаш мумкин?!

Талаба йигит-қизларга худди шундай саволлар билан мурожаат этдик. - Мен қалб амрига қулоқ тутган бўлардим, - деди Нафиса.

- Агар қайсидир киз менга севгисидан биринчи бўлиб сўз очса, унга ҳеч қачон уйланмайман! - дейди Камолиддин.

- Агар мен севган йигит чиройли ва ақлли бўлса-ю, муҳаббатимдан беҳабар юрaversа... Ахир уни бошқа кизлар "илиб" кетиши мумкин-ку! Бир амаллаб севгимни унга сездирган бўлардим! - дейди Роҳила.

- Қанчалик қаттиқ, яхши кўрсам-да, бунга ўзига айтолмасам керак, - дейди Санобар.

- Севгисини очик айтиш ўзбек кизларига ярашмайди! - дейди Сардорбек.

Манбаларда келтирилишича, қадим-қадимдан француз йигитлари ўзлари севган қизлардан оналарининг фазилатларини қидиришаркан. Худди она каби меҳрли, меҳрибон ва юмшоқ феълли қизлар уларга тез маъқул бўлиб қоларкан. Менимча, бу хусусият ҳар бир йигитга хос. Демак, бир чимдим меҳр, бир оғиз иссиқ сўз, биргина мулоим нигоҳ ҳам баъзан "ишқ мактуби"нинг ўрнини боса олиши мумкин экан.

Муҳаббат — кўнглининг азалий қўшиғи.

Ҳар кўнгли бу қўшиқни ўз куйига солиб айтади:

Зилол - зилол сув бўлса ишқ, Ховуч-ховуч ичсайдим. Алвон-алвон гўл бўлса ишқ, Кучоқ-кучоқ терсайдим!

Севмоқ ва севилмоқ бахти! Бундай бахт ҳар бир кизга насиб этса, дейман.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

УСИС ҚАНДАЙ ЯШАЙМАН?

Ёшим 21 да. Мактабни битириб, техникум талабаси бўлдим. Шу йили юрагимга муҳаббат ташриф буюрди. У йигит бувимнинг кўшниси эди. Биз дўст сифатида гаплашардик. Муҳаббатимни унга сездирмасликка ҳаракат қилардим. Ўқиш мобайнида бувимникида турганим боис, уни ҳар куни кўрардим. 3 йил мобайнида гаплашиб юрдик. Туғилган кунимда уни йўлда учратиб қолдим. Мени табриклади. Шу куни у севги изҳор қилди. Бу кунни интизорлик билан кутиб юргандим. Аммо гоҳ

унинг қайсарлиги менга малол келарди. Уришиб қолсақ, айби бўлса ҳам тан олгиси келмай аразлаб юрарди. Қачон хуши тобласа, айбига икорор бўларди. У оилада ёлғиз фарзанд, ойисининг эрқатоғи эди. Ҳеч қаерда ишламасди, ўқишни умуман истамасди.

Муносабатларимиздан ойим хабар топдилар. Айтишларича, унинг ойиси 2 фарзандини бошқа-бошқа отадан ниқоҳсиз ортиргани ҳамда ёшлигида уйдан кетиб, филармонияда раққослик қилганини айтдилар. Бувим ҳам бизнинг муносабатимизга қарши эдилар. Уларга қанчалик тушунтирмай, фойдаси бўлмапти. Отам эса бундан беҳабар. Билиб қолсалар нима деркинлар?! Ахир ота-онаси учун фарзанд айбдор эмас-ку! Ойиси раққоса бўлган бўлса, нима қипти? Ойим фақат: "Биз сени бахтли бўлишингни истаймиз", - дейдилар. Ахир мен усиз бахтни тасаввур ҳам қилмайман.

Бир куни у, ойиси уйимизга совчиллик келмоқчи эканлигини, айтиб қолди. "Дадам командировкага кетган", - деб алдандим. Чунки ойимнинг улар ҳақидаги фикрини ойиси билиб, хафа бўлишини хоҳламайман. Ўзи шусиз ҳам юраги яримта. Мен икки ўт орасида қолганман. Қайси йўлни танлашни билмайман. Маслаҳатларингизни интиқлик билан кутаман.

Мадина,
Бухоро шахри.

Тахририятдан:
"Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич", дейдилар. Кўнгли эгри одам эгрилигини қилаверади. Фикрингизни тушунган бўлсам: "Мен у йигитни яхши кўраман, лекин онасининг ўтмиши муҳаббатимизга соя ташлаб турибди", - демоқчисиз. Ўша сиз севиб қолган йигитни шу аёл туққанини ёдингиздан чиқарманг. Биз, инсонлар бирининг тақдирини муҳокама қилишга устамиз. Бировнинг игнадай айби туядай бўлиб кўринади. Ҳаётда қандай яшаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Ота - она учун фарзанд жавоб бермайди. Яхшиси, ўз кўнглингизнинг амрига қулоқ тутинг.

Уша кун хотирамда бир умр муҳрланиб қолса, ажаб эмас. Анчадан буён кузатиб юрган, чеҳраси қалбидан, қалби эса чеҳрасидан-да гўзал бўлган маъсума бир қиз, яъни Сожида билан илк бора суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдим.

У билан энг яқин дўстлар сингари тез-тез учрашиб туради-

ЮРАК-БАҒРИМНИ ТИЛМАНГ, ОНАЖОН...

ган бўлди. Ёзги таътил пайти эди. Уларнинг маҳалласида бўлган тўйдан сўнг мен Сожидани уйигача кузатиб қўйишга руҳсат сўрадим. Уша кеча муссаффо осмон, тўли ой, олис-олисларда жимирлаётган юлдузлар гувоҳлигида мен Сожидага ўз севгимни изҳор қилдим. Шу оқшом ўзимни қушдай енгил ҳис қилдим. Уша пайтдаги бахтиёрлигим абадий бўлишига астойдил ишонардим.

Шу кундан бошлаб ўрта-миздаги меҳр ришталари янада мустаҳкамланиб борди. Ўрта-миздаги севгидан хабар топган ёру дўстлар барчаси бизга ҳавас кўзи билан қарашарди. Чунки, маҳалла йигитлари ҳавас қилган бу қизга ҳамроҳ бўлиш менга насиб қилган эди.

Лекин, афсус, минг афсуски, ота-онам Сожида иккимиз ўрта-миздаги севгидан хабар топишиб, у билан бутунлай алоқани узишим кераклигини уқтиришди. Эмишки, қачондир-қай бир йиллар ота-боболаримиз ўртасида жанжалу тўпалонлар бўлиб ўтган, шундан буён икки томон бир-бири билан ёвлашиб қолишган экан. Утганларнинг қилмиш-қидирмиши учун энди биз жавоб беришимиз керак экан. Ўз онамдан бу гапни эшитган, кўз олдим қоронғулашди. Ҳаётимдаги энг мусибати, оғир кун бўлди, уша кун. Онамининг гапларига кирсам, Сожида олдида, дўстларим олдида ким деган одам бўламан?! Ахир, мен шунинг учун уни 7 йилдан буён кўз қорачигидек асраб-авайлаган эдимми? Қандай қилиб 7 йиллик севгимни ташлаб, муҳаббатдек муқаддас туйғунни топтайман, қандай қилиб уни бошқа бировга индамасдан, ота-онам хоҳишига кўра тут-қазаман, қандай қилиб?! Кексалар: "Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас", дейишди. Шундай экан, мен қандай қилиб ўз сўзимдан қайтаман?.. Сожидага берган ваъдаларим устидан чиқмасликка менинг йигитлик гурурим йўл қўймайди! Сожидам-

ни ҳеч қачон бировга бериб қўймайман! Буларни эса она-жоним тушунишни хоҳламайпти. Онамининг талаби бўйича, мен энг азиз инсонларим - ота-онамни ёки ҳаётимнинг мазмунига айланаб қолган Сожидамни танлашим керак. Албатта, мен учун биринчи навбатда ота-

жон - сиз, онажон - сиз азизсиз! Бир умр қалбим тўридасизлар! Лекин бир умр орзу қилган, кўз қорачигимдек асраган нозигимни йўқотиш мен учун жуда оғир. Наҳотки, шундан сўнг менинг қай аҳволга тушибимни, эртанги кунга қизиқишим йўқолишини тасаввур қилмайсиз, Онажон!

**Армон дил ярасин
кафтида эзар,
Яшашни осон деб
билманг, онажон.
"Севганингни унут,
умид қилма", деб,
Менинг бағримни сиз
тилманг, онажон...**

Лекин бир нарса менинг қалбимга умид боғлаб, таскин беради. Ахир, ҳаммага ҳам насиб этавермайди, севиш, севилиш бахтига мушарраф бўлдим.

Ҳақиқий севги борлигини ҳис қилдим.

Азизларим, хатни ёзиб маслаҳат сўрашдан аввал, бошидан меникига ўхшаш савдони ўтказайтган ёшларнинг ота-оналарига мурожаат қилиб, уларнинг фикрларини билишни истардим. Балки, икки оғиз гапингиз билан онамни шаштидан қайтарарсизлар. Балки, бахтли ҳаёт кечиршим сабабчиси бўларсизлар. Сизлардан умид қиламан. Тақдир менинг тақдиримга ўхшаш ёшларнинг ота-оналарига эса айтмоқчиманки, ўз фарзандларингизни қийнаманглар, нурийдангизнинг бахтсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлиб қолманглар.

...Онажон, менинг азиз онажоним. Қийналиб кетганимдан, иложсиз қолганимдан, барчамиз учун севимли бўлган газета орқали йўлланган ушбу дардли мактубимни ўқиётган бўлсангиз, сизга очик айтолмаган яна бир гапни айтмоқчийдим, онажон.

Онажон, сиз ўзингизнинг бу қилмишингиз билан мени бахтли қила олмайсиз (лекин бахтли бўлишимни хоҳлайсиз), аксинча бахтсиз бўлиб қолишимга замин яратаясиз. Нафақат менинг, балки ҳаётда бахтли яшашни орзу қилган икки қизнинг ҳам бахтсизлигига сабабчи бўлиб қоласиз. Фарзандларингизнинг бахтли бўлишига ёрдам беринг. Мени ўзингизнинг хушхабарингиз билан хурсанд қилишингизга ишонаман ва буни интиқлик билан кутиб қоламан.

Шерзод

"Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам билан одам эса учрашади", дейдилару, лекин...

Ҳар гал она шахримга келиб кўчаларни кезарканман, нигоҳим беихтиёр уни излайверади. Тақдир эса уни менга сира юзлаштирадиган келмади. Аслида қаршимда ногаҳон пайдо бўлса ёки ён-веримдан ўтиб кетаётган бўлса ҳам балки уни сезмай, танимай ўтиб кетишим мумкин.

Ахир ўшандан буён қанча вақт ўтиб кетди. Эски аср билан хайр-хўшлашиб янги асрни кутиб олди. Мен таниган, билган не-не одамлар бирин-кетин бу дунёни тарк этишди. Биз билган, биз юрган кўчалардан асар ҳам қолмади, янги-янги бинолар қад ростлади. Бугунги одамлар ҳам бошқача, биздан кўра эпчилроқ, донорроқ. Замон ўзгарди.

Уша йиллар шахримизга бориб қолган кезларимда опам ва дугонам Марҳамат уни кўриб қолишганини шунчаки гап орасида айтиб ўтишарди.

- Хов бирда Хамидуллани кўрдим. Уйланибди шекилли, ёнида бир жувон ҳам бор,- деганди опам.

- Хотини қандай экан?- қизиқиб сўрагандим мен.

- Кўнлингни тўқ қил, сендан ортиқ жойи йўқ. Чиройи ҳақида бир нарса дейиш қийин. Лекин эр-хотин бир-бировига мос экан. Қадди-баси, хатто ранг-рўйи ҳам бир тусда. "Булар қариндошмикан",- деб ҳам ўйлаш мумкин... Мени кўриб ҳол-аҳвол сўрашган бўлди...

"Ҳа, деб ўйлагандим мен ўшанда. - Бир юрт одамлари қайси жиҳатлари биландир бир-бирларига монанд бўлишади. Хамидулла ўзига мос ва муносиб қизни топиб уйланибди-да... Менинг эса онам гарчанд шу шаҳарлик бўлса-да, отам бутунлай бошқа ёқлардан... Бундан ташқари, менинг бўйим паст, юзу кўзим ҳам бошқа юртингиз одами бўлган отамга тортган. Бу шаҳар одамлари учун барбир менинг беғоналигим бор, мени ўзларига эл билишмайди..."

- Хамидуллани кўрдим, - деганди дугонам Марҳамат ҳам. - Баланд бўйига мос бир аёл ва икки ўғил бола билан бирга бекалда турган экан. Мени танимасам ҳам керак, деб ўйласам балодай таниб қолиб: "Дўстларимиз омонми, яхши юрибсизларми?"- деб сўради. Шу гапи билан ёнида хотини бор бўлса ҳам, сен ҳақда сўраб олди...

- Хол-аҳволи қандай экан?

- Ростини айтсам, илгариги олифачилиқдан асар ҳам йўқ, Костюм-шимми шалвираб турибди. Кўзимга озгин-тўзгин кўринди. Унга тегаганингандан пушаймон ҳам бўлиб юрма. Ўзимизнинг почачундан кўра, ҳар жиҳатдан афзал туюлди менга... Унга тегсанг, юрардинг-да, бир тўда бола-бақрали бўлиб, шу эскидан эски шаҳарда - маҳалла-қўй теварагида...

Ундан-ку, бир пайтлар мен айрилгандим. Яқинларим эса мени аяшди, фикру хаёлларимни ҳам ундан узоқлатмоқчи бўлишади.

Бора-бора ҳеч ким менга у ҳақда хабар бермай ҳам қўйди. Вақт деганларининг, ҳаёт деганларининг равиши, шундай шекилли. Одам ҳаётнинг ташвишу қувончларига фарқ бўлганча тақдир белгилаган йўл-йўриққа тушиб олиб кетавераркан... Шу кетишда қайгача боради, борар

йўли қисқами ва ё узун, қайда тўхтамо топади - бу ёғини билишга бандаси ожиз экан...

Лекин мен негадир бу азалабад қонуниятни тан олгим келмайди. Турмуш гирдобига фарқ бўлишни истамайман. Қачонлардир кўнглимга тузалмас жароҳат етказган ўша воқеаларни эслайвераман. Уни кўргим, кўзларига бир зум тикилгим, нималарнидир исботлагим келаве-



ради. Мен унинг йиллар давомида етишган ҳақиқатимни тан олишини, хатосига иқроқ бўлишини ва бу ҳолат ҳеч бўлмаса кўзларида акс этганини кўришни истаиман. Ва ана шу аснода юрагимнинг тубтубидан ғолибликнинг ҳузурбахш сурурини туйишни истаиман. Нега, нима учун керак менга бу ҳолат? Буни ўзим ҳам тушунишга ожизман...

Ушанда мен ишонган, мен қадрини ўз қадримдан ҳам юқори-роқ тутган Хамидулла мени тушунмаган, тушунишни истамаганди.

Ёшим 24га қараб кетаётганди. Менинг тақдиримга қайғурувчилар, бахтли бўлишимни истовчи дўстларим атрофимда кўп эди. Мен эса шу ҳолимга ҳам бахтли эдим. Ҳали бувам, аям ҳаёт эдилар. Ҳали сочимга оқ тушмаганди. Ҳали нимани оғнимга олсам ҳаммаси ярашиб турарди. Душманам бор деган ҳадик кўнглимда йўқ эди. Юзимга кулиб қараган ҳар бир одамни дўст санардим. Осмон унчалик ҳам узоқмасди, ер қаттиклигини ҳис қилмасдим, гўёки учиб юрардим...

- Яхши бир дўстим бор. Аспирантурада ўқиганда бир ётоқхонада турганмиз. Яқинда қўришиб қолдик. Ҳалиям бўйдоқ экан. Ўйлаб қарасам, бир-бировингизга жуда-жуда мос келасизлар. Қарши бўлмасангиз таништириб қўйсам. У ёғини кейин ўзларингиз биласизлар, - деганди касбдошим Нуриддин ака.

Нуриддин ака эртасига у йигитни хонамга бошлаб кириб келди. Кўришганимизданок у билан худдики минг йиллик танишлардек бир-биримиз билан гаплашиб кетдик. Мен бу йигитнинг кўринишида ва ё муомаласида дилимга хиралик солувчи бирон-бир камчиликни кўрмадим. У ҳам мени ёқтирганини изҳор қилди. Шу пайтгача ўқишу, илмий ишлар билан овора бўлиб келганим, унинг ёшидагилар аллақачонлар оилали, бола-чақали эканликларини, энди бу ҳақда жиддий ўйлаётганини айтди.

Кичик қисса

У илмий иши охирида қолгани учун яқин кунларда яна Москвага кетиши, 5-6 ойдан сўнг эса тамоман қайтиб келишини маълум қилди. Биз ораликдаги бу вақтда телефон ва мактублар орқали хабарлашиб туришга аҳдлашдик. У Москвага кетгунча эса... Айни ёз фасли эди - келажак ҳаётимиз орзу-ҳаваслари оғушида хиёбонлар, кўчаларни сармаст кезиб чиқдик... У кетгач, мен сари соғинчи мактублари учиб кела бошлади... Менинг мактубларим ҳам ҳеч бир тўхтамасиз, Москвага учиб кетарди... Лекин, лекин... қутилмаганда... негадир у томондан мактуб келмай қолди... Бир ҳафта ўтди, ўн кун ўтди, йигирма кун ўтди... Мен эса тинмай унга мактублар йўллардим: "Нима бўлди - хасталаниб қолдингизми?"...

"Нега мактубларимга жавоб олмаган?" "Кел" десаңгиз, бўлди - бораман. Ёрдамим керакдир?..."

"Шунча мактубимга бир жавоб ёзиш - шунча қилганими?"

"Ийгит деганлари мард бўлади, деб ўйлардим. Сиз, сиз эса номард экансиз..."

"Бўлди, етар энди, бу охириги мактубим. Сиздан кўнглимни уздим. Йўлларимиз бошқа энди..."

Мен ортиқ бу шаҳарда қолишни истамай қолдим. Аспирантурада ўқиш учун ҳужжатларимни Тошкентга жўнатдим.

Кўндузги ўқишга қабул қилиниб, сафар жабдуғини тайёрлаб юрган кунларимдан бирида ишхонам эшиги очилди-ю, остонада чарақлаб кулиб у пайдо бўлди... Мен унинг биргина мактубини нақадар кутган эдим. Орзу-ҳавасларим, умид-илинжларим пардай тўзғиб кетган маҳалда унинг кириб келишидан қувонганим ҳам, қайғуришини ҳам билмасдим. Лекин қошқовоғим сира-сира очилмади. У иш куним охирида мени кўча бошида кутиб турадиган бўлди. Биз кечқурун учрашдик. Эрта кўннинг сокин оқшоми борлиққа қуйилиб келаётганди. Биз гап-сўзсиз жим юриб борардик. Кўча чироқлари бирин-кетин ёқилди.

- Энди бу гапларнинг сира фойдаси йўқ, ўрни ҳам эмас, - дедим мен.

- Нега бундай дейсиз?

- Энди йўлларимиз бошқа-бошқа. Сиз келаясиз, мен эса кетаяпман. Балки энди ҳеч қачон кўришмасмиз ҳам. Шоир айтганидек, "Биз бир муддат бўлганимиз ошно ва мангуга айтганимиз видо..."

(Давоми бор)

ДИЛРОЗ

ДАФНА - МЎЪЖИЗА ДАРАХТ

Овкат тайёрлаганда, консерва ёпаётганда таом хушхўр ва лаззатли бўлиши учун албатта бир-иккита дафна (Лавр япроғи) баргини ишлатамиз.


Бу жуда оддий ва арзон доридир. Дафнанинг барглари ва меваларини қадимдан шифобахш восита сифатида қўллашган. Унинг қуритилган барглари буйракдан тошни тушириш, иштаҳани очиш ва ошқозон фаолиятини яхшилашга катта ёрдам беради. Янги терилган барглари кунгабоқар мойига аралаштириб артрит, миозит ва асаб касалини даволаш мумкин. Асал ва сиркага аралаштирилгани бод, бел ва мушаклар оғриганда сурилса катта фойда қилади. Унинг дамламаси ҳам фойдали бўлиб, тайёрлаш жуда осон. **15 дона баргининг устига 300 гр сув қуйилиб, 5 дақиқа қайнатилди. Кейин термосга қуйиб 4-5 соат тиндирилади ва**



кун бўйи бир ош қошиқдан ичилади. Қайнатма ҳар куни янги тайёрланади. Муолажа уч кун давом этгач, кейин 2 ҳафта танаффус қилинг. Дафнанинг янги барглари ари чаққан жойга қўйилса оғриқни қолдиради. Барги қуритилгандан кейин ҳам ўзининг шифобахш хусусиятларини сақлайди. Лекин, шуни эсда тутиш керакки, лавр барглари қабзиятга сабаб бўлиши мумкин. Гайморитни даволашда эса бурунга бир томчи лавр ёғидан томзилса, шифо бўлади.

МАЗАЛИ, ФОЙДАЛИ, АРЗОН

Жўхорининг ширин сўтасидаги дармондорилар инсон танасини саратон, юрак хасталиklarидан ҳимоя қилиб, кексайишнинг олдини олар экан. Донларининг шарбати билан темиртки ва турли тошмалар даволанади. Олимларнинг айтишича, қаерда жўхори кўп истеъмол қилинса, ўша юртда юрак томир хасталиклари кам учраган. Шунингдек, жўхорининг таркибида С дармондориси ва эфир мойи кўп бўлиб, қон айланиш ҳолатларини меъёрлаштиради. Ўт пуфагининг яллиғланиши ва сарик касаллигини даволашда беқийёс фойдаси бор.



ПИШИРГАНДА ФОЙДАСИ КАМАЙДИ

Инсон ўз танаси учун жуда зарур бўлган дармондориларни пиширилмаган, хом сабзавотлар ва мева шарбатларидан олар экан. 45°дан юқори бўлган иссиқликда эса махсулот ноёб хусусиятларини йўқотади. Баъзан, мазали тушқандан сўнг ҳам танамизнинг кучга тўлганини сезмаймиз. Танамиздаги дармондориларни ошқозоннинг ўзи ишлаб чиқаради ва бу жараён учун жуда кўп қувват сарфланади. Шунинг учун хом озуқалар - "тирик", пиширилгани эса "ўлик" ҳисобланади. Бир кунда истеъмол қиладиган овқатлардан ҳеч бўлмаса 1/3 микдордагиси хом сабзавот ва мевалар бўлгани маъқул. Хом озуқа махсулотлари орасида ундирилган бугдойга етадигани йўқ. Бу махсулот қанд касали билан оғриганларнинг танасидаги қанд микдорини камайтиради. Шунингдек, сийдик пуфакчасида тош пайдо бўлишининг ҳам олдини олади. Буни тайёрлаш қийин эмас. Сараланган бугдой донлари устига сув қуйиб бир кун қолдирилади. Сўнг, яна бир бор ювиб ташлаб, доннинг ўзини текис, тоза мато устига ёйиб қўйилади. Донлар бўртиб, униб чиқа бошлагач, бир кунда 2-3 қошиқдан истеъмол қилиш керак. Шунингдек, жўхори донини ҳам худди шу усулда ундириб, ейиш мумкин. Ундирилган жўхори донида асаб ва мия учун ноёб тиллага тенг мода бўлса, ундирилган тариқни шифокорлар кимёвий муолажа олган беморларга тавсия этишади. Сули, зигир, шולי, тарик ва жўхори донларини ундириб "коктейль" тайёрлаш ҳам мумкин. Бу ҳақиқий "жонли озуқа" бўлиб, саломатлик ва узоқ яшашнинг қалити ҳисобланади.



ЁҚИМСИЗ ОДАТ

Кўпчилигимиз ўз яқинларимизнинг ухлаб ётганида тишларини гижирлатишига гувоҳ бўлганмиз. Бу одат бруксизм дейилади. Бруксизм ёш болаларда ҳам, катталарда ҳам учрайди. Шифокорлар ушбу одатга жиддий эътибор қаратишни маслаҳат беришади. У соғлиққа зарар етказадиган жиддий оқибатлар олиб келиши ҳам мумкин. Шунинг учун бу одат сезилганда дарҳол олдини олиш ва даволаш чораларини кўриш керак.



Тишини гижирлатадиган одамлар шу йўсинда асабийлик ҳолати билан курашадилар. Кимдир бу ҳолат жағ мушакларини оғритувчи ўзгариш билан боғлиқ. Касблари тақозоси билан жуда аниқ ва пухта ишлаши керак бўлган кишиларда бу ҳолат кўпроқ кузатилади. Ундан ташқари тишга нотўғри пломба қўйилганда ҳам киши тишини гижирлатаркан. Айрим ҳолларда эса бу марказий асаб тизимининг бузилганлигини билдиради.

Тишини гижирлатишнинг қаттиқ ёпиб юрганлигини сезиб қолсангиз, пастки жагингизни бўшроқ қўйишга ҳаракат қилинг.

Уйқудан олдин жағларингиз учун машғулот топинг. Масалан, сабзи ёки олما чайнашиш мумкин. Шундай қилиб жағларингизни чарчатсангиз, тишинингизнинг гижирлашини камайтирган бўласиз.

Ёки 2-3 марта куйидаги машқларни бажаринг:

Пастки тишларингиз билан сақич шарчани чап томондан бошлаб енгил чайнаб, ўнг томонга олиб боришда, ўнг томондан яна чап томонга қараб чайнанг.

Агар тиш гижирлатишингиз кўпол қилиб қўйилган пломба боғлиқ бўлса, уни тиш шифокорига бориб, қайтадан қўйдиришингиз зарур.

Бу кўпинча ваҳимага тушиш, асабийлашиш натижасида юз бериши мумкин. Бунинг олдини олиш учун уқалаш билан даволаш, енгил жисмоний ҳаракат қилиш ёки тинчлантирувчи дори-вор ўтлардан дамлаб ичиш тавсия қилинади.

ШИФОБАХШ КЎКАТ

Шивитнинг ёқимли мазаси ва бетакрор хушбўй хидидан ташқари, шифобахш хусусиятлари ҳам бор. Қадимда бу мўъжаз кўкат билан қон босимини даволаганлар. Қон босими ошиб кетганда уни мана бундай тайёрлаб ичиш керак. Бир ош қошиқ қуритилган ёки майдаланган шивит устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, тиндириб қўйинг-да, 15-20 минут турганидан кейин сузиб олинг. Шунингдек шивит дамламасидан уйқусизликда, тинчлантирувчи восита сифатида фойдаланилади. Шивитдан турли касалликларни, сурункали юрак хасталикларни, стенокардия, ичак хасталиklarини даволашда кенг қўлланилади. У ярим дармондори бўлиб, дори-хонадан сотиб олингани эмас, айниқса, янги узилгани фойдалидир. Тананинг турли касалликларга қаршилигини оширади. Қон айланишини меъёрлаштириб, қон сиродор билан таъминлайди. Шунингдек, тиббиётда шишларни қайтариб, оғриқни қолдириш, яраларни тез тuzатиш каби ажойиб хусусиятлари билан ҳам қадрланади.



АСАЛ ЭШАРТИРАДИ

Таркибидаги турли маъданли ва озиқлантирувчи моддалари билан асал бошқа озуқа махсулотлардан ажралиб туради. Уни истеъмол қилингандан сўнг танадаги ишқорлар микдори кўпаяди. Ошқозон-ичак фаолияти бузилиб, ошқозондаги кислоталилик ошганда эса буни меъёрига келтириш учун ишқорли махсулотлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Асалда, айниқса, қорамтир асалда ишқорнинг микдори кўп бўлади.

Ҳар гал овқатланишдан олдин бир чой қошиқдан асал истеъмол қилинса, танадаги кислота-ишқор меъёри тез тикланади. Халқ таъбаотида асал билан куйган жойларни даволашган. У оғриқни пасаитириб, зарарланган терини тез тuzатади. Бунинг учун асалдан озроқ олиб зарарланган терига сурилса, оғриқни қолдириб ва яранинг тез битишига ёрдам беради.



ХИПЧАБЕЛ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Маълум бўлишича, танамиздаги ортиқча ёғлар бел ва бўксага йиғиларкан. Бунинг олдини олиш, белни хипча қилиш, енгил ва тез озишингиз эса энг осон йўли бор экан.

Ётишдан олдин бир бўлак, яъни 50 грамм микдоридоғи балиқ, товۇк бўлаш ёки гўшнинг ўзини битта лимон гўштановул қилинса жуда тез оздираркан. Лимоннинг ўзини ея олмайдиганлар унинг сувини сиқиб ичиши мумкин. Лимон билан гўшт бирга истеъмол қилингандан тун бўйи ички секреция безларидан ажралиб, қонга қўшулувчи моддалар (гормон) ишлаб чиқараркан. Бу эса ўз навбатида танага, айниқса бел ва бўксага йиғилган ёғларни эритиб, бир кунда 300-500 граммга оздиради.



Саҳифани ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди

Хозир солди-пишди муҳаббатлар қўлайиб кетди, дейишади. Бу, албатта чин муҳаббат эгалари оз, дегани эмас. Сенишиб, синашиб турмуш кураётган ёшлар бехисобдир. Лекин замон айланиб тураркан. Тўқликка-шўхлик қилаётган, маънавияти қашшоқ, бетайин ошиқларнинг мавжудлиги ҳам, бор ҳақиқат. Ундай дўстбозларни инсон тақдирини қизиқтирмайди. "Муҳаббат ўйини"га шунақаям устамонки, бир зумда ғўрадан ҳалво тайёрлаб, эътиборни қозона оладилар. Муҳаббат ёшида хис-ҳаяжонлари жўшган, соддадил қизларни ўз найранги билан сеҳрлай оладилар.

Хўш, сохта ошиқларни қандай билса бўлади?

Мунофиқликнинг уч белгиси бор. Булар асосан одамнинг қўлида, кўзида ва сўзида акам этади.

Одамлар ҳам дарахтга ўхшайдилар. Дарахтнинг шохини тўмтоқ бўлса, унинг илдизи ночорлигидан далолатдир. Одам ҳам шунақа. Агар унинг кўли калта ва тўмтоқ бўлса, шубҳасиз руҳияти бетайиндир. Бундай кўли одам одатда тор фикрловчи, калтабин, аммо, айёр бўлади. Учрашув пайтида ўзини турли қиёфада намоен қила олади. У тулкимижоздир. Аммо, суҳбатдошига ўзини йўлбарс қиёфасида кўрсата олади.

Муҳаббат бобида етти ўлчаб, бир кесмоқ керак. Учрашувга таклиф қилган йигитнинг қафтлари юмук турса, ўтирганда тиззаларини жуфтлаброк ўтирса, унга асло ишониб бўлмайди. Лекин, сўзамоллик билан суҳбат тизгинини ўз қўлида ушлаб тура олади. Ўзини гоҳ саҳий, гоҳ содда, гоҳ танги сифатида кўрсата олади. Латифа айтишга, қизиқарли воқеаларни тўқиб-чатиб сўзлашга ва ҳамшиша жилмайиб туришга мохирдир.

Одатда у тинмай валдирайди. Кўзлари бир жойда тўхтамайди ва ҳамшиша ни-

СОХТА ОШИҚДАН



манидир излаётгандай олазарак бўлиб туради. Гапирганда кўрсаткич бармоғининг учини бирор жойингизга тез-тез ниқтаб, эътиборингизни ўзига жалб қилиб қўяди. Ўзини бой-бадавлат оладан эканлигига ишора ҳам қилиб қўяди. Аммо у аслида ўта қашшоқ ва зикна.

Агар сизни учрашувга таклиф қилган йигитнинг кўли юмалоқ ва бармоқлари учли бўлса, улар укувсиз, ёлгончи, кўрқок ва ғайрат-

сиздир. У одатда тез гапирадир ва пастки лаби ҳўлланиб, ютиниб туради. "Муҳаббат ўйини"га мохирдир. Ўзини мард, фидокор, ғамхўр қилиб кўрсата олади. Чехрасида тасбассум билан жиддийлик тез-тез алмашиб туради. Ўзини ҳоқисор қилиб кўрсатиши ҳам ўрнига қўя олади. Сизга тикилиб қарайди. Хушомад билан чирой-чимма-тингиз бенуқсонлигини эслатиб ҳам туради. Илжайганда тишларини кўз-кўз қилаёт-



ганга ўхшайди. Сўзлаётганда тиззаларига уриб ўтиради. Сизни тилла буюмлар билан чалғитишга устамондир.

Суҳбатларидан уни ишбилармон, деб ўйлаш мумкин. Кўпроқ миллионлардан гапирари. Аммо ўша миллионларнинг тушига ҳам кирмаётган бўлиши мумкин. Унинг асосий ўйи ишончингизни қозониб, сизни тезроқ "илинтириш"га қаратилган. Сизнинг келгуси тақдирингиз уни тамомила қизиқтирмайди. Агар сизнинг ишончингизни қозонса, ўзини панага олиб, сарсонун саргардон қилишдан уялмайди.

Сизни учрашувга таклиф қилган йигитнинг кўли гўштор, юмалоқ бўлса, ҳийла-найранг бобида устаси фарангдир. У бир қарашда очиқ кўнгил, "шал-дир-шулдир"га ўхшайди. Кутилмаган таклифларни ўйлаб топиб, сизни зериктириб қўймайди ва унга беихтиёр боғланиб қолганингизни сезмай қоласиз.

Маида-чуйда совғалар билан сизни ўраб-чирмаб ташлаши мумкин. Жуда кўп раҳбарларнинг исм-шарифларини айтиб, улар билан шахсан танишлигини ёки қариндошлигини пеш қилиб туради. Битмаётган ҳар қандай ишни улар ёрдамида ўрнига қўя олишини таъкидлаш билан сизнинг эътиборингизни торта олади. Бундай одам аслида ўта нўноқ ва дангаса. Бугун айтган гапларидан эртасига тониб туравереди. Ўта

бардошсиздир. У қизларга кўлдаги "уйинчок" сифатида қарайди ва қаҳри қаттиқ, бераҳмдир.

Сизни базмларга таклиф қилиб, "сиздек гўзал киз билан танишганидан мамнунлигини" таъкидлаб туранинг тушига ҳам кирмаётганнинг қалби муҳаббатдан бенасибдир.

Сиз уч нарсасида эътибор беринг. Майнавоз, сохта ошиқларнинг кўзлари тўқ жигарранг ва қорачиги сал юқориқоққа қадалган бўлади. Яъни, кўзининг орқасида яна битта кўз борга ўхшаб туюлади. Кўзлари сизга боққанда, ички хаёлотининг бошқа нарса билан бандлигини сезиш мумкин. Кўз қорачигини гоҳ ўёққа, гоҳ бу ёққа кўчира олиши мумкин.

Сизга гапирётганда ўзи билмаган ҳолда ўнг қўлининг кафтини кўксига қўйиб олади. Учлик бармоқларини кўпинча ўйнаб-сийпалаб ўтиради. Беихтиёр қўлларини силтаб, керилиши кузатилган. Гўё ўзларини реклама қилаётгандай қаддини тиккалаб, мағрурона қараш қилиб қўяди.

Пул, бойлик ҳақида кўпроқ гапиреди. Тўмтоқ қўлларини гоҳ у чўнтагига, гоҳ бу чўнтагига солиб, аллақандай қозғошларни ўрнини алмаштириши, бирдан жиддий тортиб, кимгадир телефон қилиши лозимлигини эслатиши мумкин. Сумкангизга тикилиб қарайди. Баъзан бетоқат бўлиб, секин ўрнидан туриб кетиши мумкин.

К. НИШОНОВ тайёрлади.

Мест: ТУРМУШ ЎРТОҒИНГИЗНИ ЯХШИ БИЛАСИЗМИ?

Баъзи эру хотинлар узоқ йиллар давомида бирга яшашади, кези келганда бир-бирларини яхши билмасликлари маълум бўлади. Ёки бир-бирларини йиллар давомида тушуна олмайди, фикру қарашлари ўзаро тўғри келмайдиганлар бор. Баъзи-баъзида беихтиёр хаёлингизга "Мен ўз турмуш ўртоғини яхши биламанми, йўқми?" - деган савол келиши аниқ. Агар, қуйидаги тест саволларига тўғри ва аниқ жавоб берсангиз ўз турмуш ўртоғингизни қай даражада билишингиз маълум бўлади.

1 Дейлик аёллар кийими со- тиладингиз. Қарасангиз, айнан сизнинг кўнглингиздагидек кўйлақлар унчалик қиммат бўлмаган нархларда сотилапти. Олгингиз келиб қолди. Шунда сиз қандай йўл тутасиз? Эрингиз (хотинингиз) билан маслаҳатлашиб, рухсат сўраб, кейин кўйлақни сотиб оласизми ёки шартта олиб кетаверасизми?

А) Рухсат сўраш шарт эмас. Чунки, сотиб олган нарсаларим ҳар доим турмуш ўртоғимга ёққан ва у буни маъқуллаган.

Б) Турмуш ўртоғим рози бўлишни билсам ҳам олдин у билан маслаҳатлашиб, рухсат сўраб кейин сотиб олам.

В) Кийим-кечак масаласида турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, сўнг сотиб олишга одатланмаганман ва ундан сўрашим шарт эмас.

2 Мухим бир масалада турмуш ўртоғингиз билан гаплашиб олишингиз керак. Лекин у ўзининг ишлари билан банд. Шунда сиз қандай йўл тутасиз?

А) Турмуш ўртоғимнинг ишдан бўш ва кайфияти яхши бўлган пайтини топиб, кейин гаплаша-

ман, унганча кўтаман.

Б) Оилавий масалаларни ҳал қилиш учун турмуш ўртоғимнинг дам олиш кунларини кутаман.

В) Турмуш ўртоғим қанчалик банд бўлишига қарамасдан, қўлай пайтини кутиб ўтирмасдан дарҳол гаплашаман.

3 Сиз баъзида бирор бир кафега бориб дам олишни ва бошқаларни томоша қилишни яхши кўрасиз. Сабаби кўпчилик йиғилган жойда бошқаларни кузатиш сиз учун... ҳисобланади.

А) Зерикарли бўлмаган кўнгилашувлик;

Б) Айрим пайтлари қизиқарли кўнгилашувлик;

В) Жуда ҳам қизиқарли кўнгилашувлик;

4 Турмуш ўртоғингизнинг ишхонасига кўнгирақ қилган эдингиз, лекин айни кизгин иш пайтида у иш жойида йўқ экан. Шунда сиз турмуш ўртоғингиз ҳақида қандай фикрга борасиз?

А) Агар иш пайтида ўз ўрнида бўлмаса, бунга муҳим бир сабаб бўлиши керак деб ўйлайман.

Б) Агар иш пайтида ўз ўрнида бўлмаса, бундан қаттиқ хавотирга тушаман.

В) Турмуш ўртоғимнинг иш пайтида

ўз жойида бўлмаслиги ҳар хил ёмон фикрларга боришимга сабаб бўлади.

5 Турмуш ўртоғингиз билан бир-галликда кечаётган ҳаётингиздан уни рози деб ўйлайсизми?

А) Розидеб ўйлайман, яна билмадим.

Б) Баъзида иккиланаман.

В) Розидеб ўйлайман, акс ҳолда ўз норозилигини аллақачон билдирган бўлар эди.

6 Турмуш ўртоғингизнинг кайфияти йўқ. У нимадандир қаттиқ хафа. Сиз унинг сабабини биласизми?

А) Кўпинча унинг нега хафалиги сабабини ўзидан ҳам яхшироқ билман.

Б) Хафа бўлганини албатта сезаман, лекин сабабини ҳар доим ҳам билвермайман.

В) Хафа бўлганини сезмайман ҳам.

Жавоблар учун белгиланган балларни қуйидаги жадвалдан белгилаб ҳулосасини аниқлашингиз мумкин.

	1	2	3	4	5	6
А	2	2	2	1	3	1
Б	1	3	1	3	2	3
В	3	1	3	2	1	2



У хотинини қаттиқ ҳурмат қилар, қизларини ардоқлаб, бошига кўтарарди.

Уз элидан чеккаларга ҳам донги кетган чавандознинг тўққиз қизи бор эди. "Ўғлим йўқ", деб нолимасди, бу ҳусудда гапирмасди ҳам. Ўзини тутиб олган, боз устига, полвон бўлгани, полвон бўлганда ҳам, эл назарида ҳалол, танти, моҳир чавандоз, полвон бўлгани боис, босиқлик билан мамнун ва камтарона қиёфада юрарди. Юрганда ҳам, гапирганда ҳам, биров билан саломлашиб, сўзлашганда ҳам нимтабас-сум қилиб, очик чехрада бўлишидан у кишини ҳамма ҳаётдан бениҳоя мамнун, деб тушунарди. Хуллас, чавандоз табиатан шундайми ёки атайин ўзини шундай тутармиди, доимо бахтиёр, хушнуд, хушчақчақ кайфиятда бўларди. Фақат орқаворотдан одамлар "Полвон зўр одам-у, лекин ўрнини босадиган битта ўғли йўқ-да! Худо биттагина ўғил ҳам берганида эди..." - деб гурунқ қилишарди. Бу — бегараз одамларнинг куюнчақлик билан юракдан айтишадиган самимий гаплари эди, албатта. Чавандоз эса ҳамон ўша кўтаринки кайфиятда эди. Давраларда очилиб-сочилиб, яйраб гурунқ қилар, ўйга толмас, "уф" тортмас, гамгин қиёфага кирмас, ҳечам нолимасди. Ҳасад ҳам қилмас, ўзгаларнинг ўғилларига сўқланмасди ҳам. Хотинини қаттиқ ҳурмат қилар, қизларини ардоқлаб, бошига кўтарарди. Кўпқарини гумбурлатиб чоғиб, от суриб, бош зотларни олиб юрарди.

Бундай масалаларда табиийки, хотин-халажларнинг гапи, сўхбати кўп бўлади. Ўзаро гурунқларда хотинининг ҳам-сосяларига, яқинларига эрки сиғиб айтишича, чавандоз ўйда ёлғиз қолган чоғларига биттагина ўғил сўраб, Худога қайта-қайта илтижолар қилар, кўзёш

тўкиб ёлвораркан. Гоҳида: "Ўғил кўриш насиб этмаган бўлса, майли, розиман, шунисига ҳам минг шукр", - деб шукроналар айтаркан. Ёз кунларининг бирида пешин чоғи чавандоз боғлиқдаги отини суғориб, энди даҳлизга кирган ҳам эканки, ташқаридан кимнингдир ўз номини айтиб чақиргани қулоғига чалинибди. Қайтиб чиқиб

бурилдим. Полвон, сиз бир обдаста сув олиб чиқинг, агар бемалол бўлса, таҳорат қилиб, пешин номинини ўқиб олай, кейин яна йўлга тушаман. - Бемалол. Тушинг, мен эшагингизни боғлайин. - Йўқ, ўзим боғлайман, сиз сувни олиб чиқинг. Қариянинг кескин ва қатъият билан айтган гапидан сўнг чавандоз эшак нўхтасидан қўлини олиб, сув олиб чиқиш учун ошхона томонга юраркан, хаёлидан кечирибди: "Кийиниши бошқача бўлсаям, келбати кўшни қишлоқлик Маҳмудхон Эшон бувага ўхшаркан. Лекин у киши эмас, эшагиман бошқа, менинг исмиمنى биларкан, таниркан-да. Нега мен таниёлмаяпман, сўраш ўнғайсиз, ким бўлдикин-а?! Хай, майли, таҳорат олиб, намоз ўқигунча чой дамлатиб тураман. Кейин чой устида сўраб оларман".

ЭШАК МИНГАН ҚАРИЯ



қараса, уйдан юз қадамча нарида бошдан-оёқ оқ либосдаги бир қария қўлида узун ҳасса билан оқ эшак устида қия ўтириб, уни чақириб турганмиш. Чавандоз илдам юриб бориб, эшак устидаги қарияга салом берибди ва қўл олиб саломлашибди.

- Қани, отдан тушинг, отахон, - деб мулозамат қилибди чавандоз қарияни таниёлмаган бўлсаям.

- Майли, майли, - дебди қария. - Намоз вақти бўлиб қолгани учун шу ерга

Чавандоз шу хаёллар билан зум ўтмай сув тўла обдастани олиб чиқиб қараса, эшак минган қариядан ном-нишон ҳам йўқ эмиш. Чавандоз хайратланиб, уёқ-буйёққа аланглабди. Эшагини боғлаётгандир, деб ҳовлининг орқасини, ён-атрофида, кўра томонини, хуллас, ҳамма жойни қараб чиқибди, йўқ! Қариядан ҳам, эшакдан ҳам ном-нишон йўқ эмиш.



АЖОЙИБ ҲАРОЙИБ

Икки ошна велосипедга мингашиб, чўмилгани кетишадиган эди. Иккита кулранг куён биринкетин йўлни кесиб ўтишиб, ўзларини шўра-буталар орасига уришди.

- Ориф! Тўхтат велосипедни! - бақирди Равшан.

Иккиси велосипедни тўхтаган жойга ётқизишиб, ўт-ўланлар орасини пайпаслай кетишди. Лекин иккала куённи ҳам худди ер ютиб юборгандай топиб бўлмади. Бир фурсатдан кейин эса куёнлар салгина нарида пайдо бўлиб қолишди. Сакраб-сакраб адир томонга боришадиган эди. Ориф уларни биринчи бўлиб кўрди ва дарҳол велосипедни тиккалаб, унга минди-да, куёнларнинг орқасидан қувиб кетди. Равшан эса куёнларни шолопоярлар томонга ўтказмаслик учун зовур томонга тиккалаб югуриб кетди.

Негадир куёнлар тез югураётгани йўқ эди. Адир томонда ўт-ўланлар ҳам йўқ, бемалол уларни ушлаб олса бўларди. Ориф уларнинг кетидан қувиб етай деганда, велосипедни ташлаб юбориб, ўзини куёнлар устига отди. Аммо куёнлар чап бериб, ён томонга қоча бошлашди. Сўнг адирнинг ўнгирига етишганда, яна йўқолиб қолишди. Равшан нариги томондан куёнларнинг йўлини тўсиб, орқага қайта бошлади.

Ошналар олдинига бақир-чақир қилишган бўлса, энди имо-ишо-

ра билан куёнларни ўртага олиб, икки томондан ўт-ўланларни пайпаслаб кела бошлади. Яна куёнлар иккисига панд бериб, орани ёриб чиқишди-да, адирнинг юқорисига кўтарилла бошлашди. Ошналар энди тез югуришиб, уларни қувлаб етиб келишди. Адирнинг устида куёнлар яшири-

оқсашиб, орқага қайтишди. Қишлоққа кираверишда эса кишин-ёзин эски этик қийиб ўрадан Кўки холага дуч келишди. Унинг исми шунақа. Бировлар уни жинни деса, бошқалар жодугар дейишарди.

Боя Ориф билан Равшан бу аёлни мас-харалаб-эр-маклаб ўтиб кетишган эди. Чунки у шундай жазирамада эски кулранг этикни пойма-пой қийиб олганди.

- Ориф?! - деди Равшан олдинга юришга ҳадиксираб-иккиланиб. - Қара, оёғида этиги йўқ.

Орифнинг аяси болаларни кўриб кўрқиб кетди. Дарҳол нима бўлганини сўради. Болаларни адир устида куён қувлашганини эшитиб, шундай деди:

- Бу офтобда куён нима қилади. Мабодо анави Кўки холани мас-хара қилмаганмидиларинг?

Ориф билан Равшан бир-бирларига маъноли қарашди. Ориф айбларини тан олиб, шундай жавоб қилди.

- Этикни пойма-пой қийиб олган экан. Ана шунга қулгандик.

- Тушундим, - таъкидлади аяси. - Бегуноҳ одамни калака қилиб бўлмайди. Демак ўша иккита кулранг куён, унинг бир жуфт этиги экан. Яхшиямки, эсон-омон орқага қайтишибди.

Ана шунақаси ҳам бўларкан. **КОМИЛЖОН**

КЎКИ ХОЛА ЭТИГИ

надиган жой умуман йўқ эди. Равшан куёнларнинг бирига яқинлашиб, ўзини унинг устига отди. Бармоғининг учи куёнга тегди-ю, аммо уни ушлаб ололмади. Ориф ҳам астойдил бўлиб, туфлисини йўл-йўлакай силтаб ечганича, куёнларнинг бирини таъкиб қилиб кува бошлади.

Иккиси ҳам йиқилиб-туриб куёнларни кува-кува тирсақлари, тиззалари шилиниб кетди. Орифнинг оёғига алланарса қириб, ўзини ерга ташлаб, вой-войлай бошлади. Равшан куёнларни батамом йўқотиб қўйди. Шундан кейин куённи қувилгани тас қилди. Унинг шимини иккала тиззаси ҳам йиртилиб қолган, тиззаси эса шилиниб қонталаш бўлиб турарди.

Иккиси шу жойда сўқинишиб, бир-бирини суюшиб, пастга туша бошлади. Орифнинг бир пой туфлисини умуман қидириб топилмади. Велосипеднинг олдинги гилдираги тешилиб, пуччайиб қолганди. Шу жойда пича дам олишиб, чўмилиш фикридан воз кечишди. Велосипедни етаклашиб,

ЖИН-АЖИНАЛАР БОРМИ?

Халқ орасида жинлар ҳақида турли ривоятлар юради. Кимдир жинлар бор нарса деса, яна кимдир йўқ дейди. Ривоятларда айтилишича, жинлар ҳақиқатан ҳам бор бўлиб, улар асосан чакалакзорларда, хароба ўйларда ин кўярмиш. Улар айниқса ёнғоқ дарахтига "ўч" бўларкан. Шунинг учун баъзи бировлар ёнғоқни бехосият дарахт ҳисоблашарди.

Мен ҳаётим давомида икки марта жинларга дуч келганман. 1937 йил куз кунларининг бирида, боғимизда катта аланга шувласи пайдо бўлди. Онам билан нима гап экан, деб боққа чиқдик. Боғимизга туташ ерлар жамоа хўжалигига қарашли бўлиб, пахта экилган эди. Қарасақ, ўн гектар келадиган ердаги гўзапоярларнинг чаноқларида олов ёнамоқда. Онам дуо ўқиган эдилар, ловиллаб ёнаётган олов бир дамда ўчди-қолди. Онам: "Бу - жинларнинг иши", дегандилар ўшанда менга.

Жин билан иккинчи марта "учрашим" 1947 йилда бўлган эди. Маҳалладошим Муса Ҳамидов деган йигит билан бирга олийгоҳда ўқирдик. У пайтлар автобуслар йўқ эди. Шаҳарга ҳар кун пиёда қатнардик. Баҳор кунларининг бирида сахарда йўлга тушиб, қишлоғимиздан нарироқдаги овлоқ чакалакзор олдида ўтаётганимизда, чакалакзор ичидан паранжи ёпинган бир аёл қикди-да, кўчанинг иккинчи бетидан биз билан баробар қадам ташлаб кетаверди. Йигирма метрлар чамаси юргач, унинг бўйи нақ теракдай чўзилиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг эса йўқ бўлди-қолди.

Биз бу воқеадан кўп ҳам кўрқмадик-да, йўлимизда давом этдик.

СОИП МУХАМЕДОВ,
Меҳнат фахрийси.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 940. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16079
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОКОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **С. ФАХРИДДИНОВА**
Мусахҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 2 3 5 6